

ҲАМРОҚУЛ АСҚАР

ДАРЁ

ШЕЪРЛАР, ҚЎШИҚЛАР,
ТЎРТЛИКЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент -2006

*Ушбу китобимни отам Раҳмат Асқар
Жўра ўғлининг порлоқ хотирасига бағишлайман*

Хамроқул Асқар “Сўз изтироби”, “Тонгнинг бедор кўзлари” шеърий тўпламлари ва ҳуқуқий, фалсафий мавзудаги мақолалари билан адабиёт мухлисларига яхши таниш. Ушбу мухтасар сайланмага унинг чоп этиш учун тайёрланган «Истиқлолни соғинган сатрлар», «Бағишловлар», «Аёлга мактуб», «Олмалар», «Ҳаёт аробаси» каби тўпламларидан бугунги давр руҳига мос айрим шеър, қўшиқ ва тўртликлар жамланган.

©. Ҳамроқул Асқар –
Ҳамроқул Раҳмат Асқар ўғли,
© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2006 йил.

УМИД

Ҳеч қачон дилимда сўнмади умид,
Ҳамиша ошиғу, ҳамиша мафтун!
Яшадим, ҳамиша кўриб тараддуд,
Гоҳо Фарҳод бўлиб, гоҳ бўлиб Мажнун!

Гоҳо, ойлар келиб кўксимга чўқди,
Гоҳо, қамаштирди кўзимни офтоб.
Кундуз юрагимга гулларин экди,
Тунлар нигоҳимдан ёришди атроф.

Ҳамиша, ҳамиша ёниб яшадим,
Асло, эгилмади бу мағрур бошим.
Пастларга султондек назар ташладим,
Сира тарк этмади метин бардошим,

Фанимга тик қараб ёнди нигоҳим,
Хоинлар кўрққанда ўз соясидан.
Кўрқувга басма-бас юксалди руҳим,
Илоҳий қудратлар ҳимоясида.

Ҳеч қачон дилимда сўнмади умид,
Ҳамиша ошиғу, ҳамиша шайдо!
Унутган маҳалинг бўлурман унут,
Эслаган чоғингда бўлурман пайдо!

Ҳамиша, ҳамиша ёниб яшадим,
Сира тарк этмади метин бардошим,
Фақат дўст олдида айладим таъзим,
Фақат ёр қошида эгилди бошим!

1991 йил

ВАТАН СЕВМОҚ -
ИБОДАТДИР

Ватан, дўстим сену менга,
Яратганнинг эҳсонидир.
Ким қадрига етгай анинг -
У инсонлар инсонидир.

Ватан севмоқ ибодатдир,
Ватан севмоқ саодатдир!

Ватан десам юрак яйраб,
Самоларга чоғлангайдир.
Ватан десам кўзларда ёш,
Хаста юрак соғлангайдир.

Ватан дея ҳайқирма дўст,
Ватан дилнинг тўридадир.
Созларингни тоблагувчи,
Юрагингнинг қўридадир.

Ватан севмоқ ибодатдир,
Ватан севмоқ саодатдир!

Ватан қадрин қайдан билсин,
Дунёталаб сўқир, дайди.
Ватан фақат сену менмас —
Бутун халқни болам дейди!

Ибодатлар гўзал бўлғай,
Саодатлар гўзал бўлғай,

Қачон Ватан озод бўлғай,
Қачон Ватан обод бўлғай.

Ватан севмоқ ибодатдир,
Ватан севмоқ саодатдир!

17.10.98.

* * *

Ҳали, Офтоб келар зар сочин ёйиб,
Ҳали, Ой келади қиздай жилмайиб.
Тонги шабнамларга юзларин чайиб,
Бир бола олдимдан чиқар бир куни!

Сен каби бағри кенг, сендай меҳрли,
Сен каби бир сўзли, сендай сабрли!
Мендан иродали, мендан ғурурли —
Бир бола олдимдан чиқар бир куни!

Золимлар кунба кун ҳаддидан ошар,
Силкинсанг, дардларинг кўзингдан тошар.
Балким, сени қўллар, менга қарашар —
Бир бола олдимдан чиқар бир куни!

Ичингда бир довул бўрон бошланар,
Унга қараб турсанг кўзинг ёшланар,
Ёвларнинг устига шердай ташланар —
Бир бола олдингдан чиқар бир куни!

1988 йил

* * *

Мажнун Лайлисига етаолмади,
Фарҳод ҳам дил узиб кетаолмади.
Шоир ҳам бор гапин айтаолмади,
Сен қандай етишдинг бундай висолга?

Менинг жонимни ол., деди бириси,
Меникини ол., дер сулув париси.
Меҳрибон эдилар ёши қариси —
Сен қандай етишдинг бундай висолга?

Боболар Оллоҳдан дийдор сўраган,
Гул юзли, вафодор дилдор сўраган,
Ҳар бир сўраганда минг бор сўраган —
Сен қандай етишдинг бундай висолга?

Гоҳо, хаёлимдан уялиб юрдим,
Пинҳон саволимдан уялиб юрдим,
Қирқ йил аёлимдан уялиб юрдим —
Сен қандай етишдинг бундай висолга?

2004 йил

ҲАНУЗ

Ҳануз, Мажнун саҳрода дайди,
Ҳануз, Фарҳод тоғ тешар бунда.
Ҳануз, ёвузларнинг пичоғи мойдир —
Ҳануз, баҳодирнинг қисмати кунда.

* * *

Сен бу дунёнинг гули, шарбати,
Сен бу борлиқда ёлғиз топганим.
Сенгадир қалбимнинг тафти, заҳмати,
Излаганим сенсан, йўқотганим сен.
Сенинг кўзларингни куёш дедилар,
Нигоҳингни дедилар қилич!
Уларнинг битгаси Навоий эди,
Уларнинг битгаси Ҳофиз..
Шулардан ўтказиб нима ҳам дердим
Кўзимда ёш билан ортингдан чопдим.
Асаби бузулган шу асрда мен,
Гоҳ сени йўқотдим, гоҳ сени топдим.
Ҳар лаҳзам ганимат ҳар лаҳзам лазиз,
Севгининг бетакрор лаҳзаларида.
Сочингни ўйнаган шамоллар дилгир,
Шивирлар ганимнинг лаҳжаларида...
Севгилим!
Ғаюрлар сўзига солмагин қулоқ,
Муҳаббат сайлига шошил салқинда.
Кўзларимга тикил, лабларимдан ўп —
Мен хабардорман ҳамма нарсдан.,
Ҳеч нарса билмайман сенинг ҳақингда!

1985 йил



* * *

Дарахтлар неча бор баргини тўкди,
Келиб кетаётир қанча баҳорлар.
Хотирам лавҳига кеч етиб келди
Мунис нигоҳларинг берган хабарлар.

Олис юлдузларга боқиб чарчадим,
Бу замин чексиздир, бу кўк бепоён.
Ҳеч кимса дилимдан эмас хабардор,
Ўзимдан ўтгани ўзимга аён.

Сен юрган йўлларга ҳамиша бағрим,
Кўзимда ёш билан нигоҳ ташладим.
Мен сени ҳамиша соғиндим эй, гул,
Мен сени ҳамиша севиб яшадим.

Бизга кулиб боққан кибрли дунё
Доим кемтиб келди имконларимни.
Бағримдан довулдай юлиб олди-ку,
Кўнглимга энг яқин инсонларимни.

Мен бўйин эгмовдим дунёга мағрур,
Сен боис ёлбордим, сени сўрадим.
Мен сени ҳамиша соғиндим эй, гул,
Мен сени ҳамиша севиб яшадим.

Ҳатто, хундорлар ҳам ярашар бир кун,
Ё, қасос лаззатин бахш этар қазо,
Бунча меҳрибонсан, бунча бераҳм,
Шафқат ҳам демассан бермассан жазо,

Қани энди кел!
Ёмғурдай сочил —
Қалбимнинг поёнсиз бўшлиқларига.

Мен сени ҳамиша ошно этаман,
Кўнглимнинг энг пинҳон қўшиқларига.

Шу осмон остида кимни учратсам:
— Уни кўрмадингму., дедим, сени сўрадим.
Мен сени ҳамиша соғиндим эй, гул,
Мен сени ҳамиша севиб яшадим.

1985 йил.

ЁЛФИЗМАН

Ёлғизман ёнимда ҳамсафарим йўқ,
Ғарибман шаҳрингда ҳамшаҳарим йўқ.

Ҳажрингда илондай тўлғондим эй, ёр-
Мор бўлсам не учун айт, заҳарим йўқ.

Ўликман, тирикман, олмассан хабар,
Ё, хабар олсангда мен хабарим йўқ.

Комронсан дедилар кийгаздилар тож,
Гар, голиб эрсам мен, не зафарим йўқ.

Тонгларни кутдим мен тунларни қарғаб,
Тонг отди дедилар не саҳарим йўқ.

Ёлғизман, ёнимда ҳамсафарим йўқ...

1989 й.

* * *

Қор ёғса ҳам негадир иссиқ,
Дарахтга суяниб аста хўрсиндинг.
Ҳавони илитар илиқ нафасинг,
Дарахтга суяниб хаста хўрсиндим.

Бу қирларда бўлган кўп қирғин,
Энди менга нима фарқи бор.
Эслолмадинг., минг йиллар бурун,
Учрашгандик шу ерда дилдор.

Ўшанда ҳам бўлгандинг надим,
Мен уйқусираб сескандим чоғи.
Ёнингга сал сурилган эдим,
Тегмасин деб милтиқ кўндоғи...

Ҳилпирарди дарахт шоҳида,
Шол рўмолинг гўё байроқдай.
Ўшанда ҳам исминг Шоҳида,
Сийналаринг оппоқ қайроқдай.

Эсингдами, бир тўп йиртқич қуш,
Тепамизда турди чувлашиб.
Тонг отгунча байталининг-ла хуш,
Қора отим чиқди қувлашиб.

Эслолмайсан., хотиранг тўзғиб,
Мана.,
Мана, ўша., йўқотган нарсанг.
Фақат тоғлар бироз бўй чўзиб,
Сал-пал ерга ботибди харсанг...

Минг йил ўтиб ўша манзара,
Сал жилмайиб, мендан ийманиб —

Турибсанку елкангни тираб,
Балким, дарахт сенга суяниб.

Шу учрашув, висол ҳурмати,
Чайла қурдим бамисли қаср.
Сочларингни силагунимча -
Ўтиб кетди яна беш аср...

Бул кун сени соғиниб жоним,
Чертдим замин дарвозасини.
Яна ўша вақт деган ганим,
Кўрсатди-ку думғўзасини...

Қор ёгса ҳам негадир иссиқ,
Дарахтга суяниб хаста хўрсиндинг...

17.07.04. Тошкент.

* * *

Яшасанг —
севиб, севилиб,
ҳар куни учрашиб, ҳар кун соғиниб!
Гўдакдай йиғласанг,
қолсанг овуниб
варраги дарахтга қолган илиниб.

Ҳаёт шу —
Севсанг, севилсанг,
Юрагинг меҳрга, нурга чўмилса!
Чин саодат шул!
Қолганлари ёлғон,
Ёлғон...

САФАР БОРДИР

Олдимизда ҳали катта
сафар бордир, сафар бордир,
Нокас дўстлар қуйган майда —
заҳар бордир, заҳар бордир.

Бўйин эгма золимларга,
кўзинг узма гулжамолдан,
Бу лаззатлар билки рўё,
тағин неча нафар бордир.

Сен Офтобга тик боқмагил,
бу шерларнинг имконидир.
Кўп изғима зулматларда —
тун ортида саҳар бордир.

* * *

Кимга бағишлайсан ўзингни санам.
Бул ақиқ лабларинг кимники эй, гул?!
Ғалат бир истакда ўртаниб танам,
Ажиб бир ҳасратда қовжирар кўнгил.

Мен ёниб, ўртаниб ёр суйган эдим,
Афсус, сен дилимдан бўлмадинг огоҳ.
Қаҳринг келганини неча бор кўрдим,
Адашиб нигоҳинг тушганида гоҳ.

Бу сенинг хоҳишинг, майлингдир жоним,
Бир нафас тегрангга боқсанг бўлмасму!
Дўст деб юрганларинг эмасми ғаним,
Душман деганларинг дўстинг эмасму?!

Кимга бағишлайсан ўзингни санам.
Бул ақиқ лабларинг кимники эй, гул...

* * *

Энг тоза кўйлагинг эгнингда,
Энг тотли сўзларни сўзладинг.
Билмадим не кечди кўнглингда,
Ерниму, фалакни кўзладинг?

Сен заминда туғилиб ўсган,
Самовотга тегишли малак.
Майли, жаҳон ҳажрингда куйсин,
Чунки, сенинг ўрнингдир фалак!

Сен фазоларни кезсанг ярашар
Боқма бу дунёнинг эркакларига.
Қўлларингни бер олиб кетайин-
Муҳаббат мулкининг эртакларига.

Кунлар чиқсин кўнглингга қараб,
Ойлар ботсин кўнглингга қараб.
Шаббодалар қувончдан толсин,
Сенинг сунбул сочларинг тараб.

Кел, бир нафас ёнимга ўлтир,
Кўзларингдан ўпайин суюб.
Эй, воҳ қалби тоза инсоннинг,
Дийдорига бўлмайди тўйиб...

1980 йил



КҮНГЛИМ

Кўнглим, сенинг қошинга,
Тоғлар келиб йиғлаган.
Қанча Мажнун бош уриб,
Фарҳод кўксин тиглаган.

Кўнглим, сенга талпиниб
Хониш қилар юлдузлар,
Сенга малол етганда —
Тундай бўлар кундузлар.

Бойўғлилар боғингда,
Булбул бўлиб сайраган.
Илонлар пари бўлиб —
Девлар эртак сўйлаган.

Кетолмасман узоққа,
Соғинаман ўзингни.
Термулар Онам каби -
Осмон сенинг кўзингму?!

Ёр кўксима бош қўйса,
Нурланар офтоб каби.
Оловланар яноғи,
Олланар ёқут лаби.

Кўнглим, сенинг пойинга,
Тоғлар келиб йиғлаган.
Илдизлари қақшаган —
Боғлар келиб йиғлаган!

ЁМФИР

Хуш бўйларга тўлди ҳаволар,
Сирдошимдир сирли саболар.
Юрагимда мунгли наволар —
Оҳ, ёмфир, оҳ ёмфир, оҳ ёмфир!

Яна келдинг соғинган эдик,
Сени дилдор, сени дўст дедик,
Биз ҳам сендек ёгинган эдик —
Оҳ, ёмфир, оҳ ёмфир, оҳ ёмфир!

Осмон гўё кўксимга ошна,
Кундуз яшна, тунлари яшна,
Юрак яна меҳрингга ташна —
Оҳ, ёмфир, оҳ ёмфир, оҳ ёмфир!

Сочиласан кўқдан камондан,
Дилни поклаб яхши ёмондан,
Сен илоҳий мужда осмондан —
Оҳ, ёмфир, оҳ ёмфир, оҳ ёмфир!

Ювдинг ёшли нигоҳимизни,
Колдирмадинг гувоҳимизни,
Ўзинг ўтгил гуноҳимизни —
Оҳ, ёмфир, оҳ ёмфир, оҳ ёмфир!

2004 йил.



ТОНГҚУШ

Бир қушча боғинга
келди-ю, қўниб,
Айтарин айтолмай
хонишлар қилди.
Гулларинг ром этди
сенга термулиб,
Айтарин айтолмай
бағрини тилди.

О, менинг қушгинам
сўнг кетди учиб,
Билмадинг, боғингда
қуйлари толди.
Кечикиб англадинг,
уйғондинг чўчиб,
Айтмоқчи сўзлари
кўзида қолди.

О, менинг қушгинам
сўнг кетди учиб,
Ортиқ бузмайин деб
дилдор, тушингни
Қарамай ўтаман
ўзга боғларга,
Кўриб қолмайин деб
сенинг қушингни.

1982 йил.



* * *

Ўзга юртда бир нотаниш қиз,
Йўл сўради кўзларида сир.
Танҳо эди кўзлари наргис,
Мен ҳам бунда ёлғиз мусофир.

Йўл сўраган нотаниш дилбар,
Ол юзларинг топмасин тўзим.
Ўзгалардан сўрмагин зинҳор,
Тўғри йўлни билурман ўзим.

Ул майлга айлаб ихтиёр,
Кўзларимга боқди хайрихоҳ.
Гулчеҳрада барқ урган баҳор,
Юрагимга кўчди баногоҳ.

Ёт шаҳарда билмасдан тиним,
Кездик роса сарсон, саргардон.
Чарчоқ нима билмади таним,
Ҳамсафарим эди меҳрибон!

Бу шаҳарни билмам ким қурган,
Аён, билмас мендан зиёда.
Дунёдаги гўзал қиз билан,
Кезиб чиқдим уни пиёда.



* * *

Ташриф шундай бўлди, кутилмаганда,
Ногоҳ нур сийлади нигоҳларимни.
Эритиб юборди иссиқ нафасинг —
Сенгача орттириган гуноҳларимни...

Муҳаббат!
Гул битсин қадамларингга,
Майлига, кўксимни айлагин шудгор!
Мен сендан ҳамиша карамлар кутдим,
Яшадим, ҳамиша бўлиб умидвор.

Тақдирнинг илоҳий саховатлари,
Яна меҳмон бўлди кўксимга менинг.
Дунёнинг омонат, тунд ҳаловатлари,
Қўрдим,
Губор солмиш чехрангга сенинг.

Муҳаббат!
Гул битсин қадамларингга,
Энди, сенга қолган жонимни берай.
Айтгин, кулмасинлар надимларингга,
Ердан оёқ узай, қанотим керай.

Заминнинг чанг босган, занг оғушлари,
Қачон обод бўлгай, қачон саришта?!
Юракни ўртайди жим боқишларинг —
Исмингни айтиб кет гўзал фаришта!

... Ташриф шундай бўлди кутилмаганда,
Яна кўнгил равшан, озод, саришта.
Муҳаббат!
Гул битсин қадамларингга,
Исмингни айтиб кет гўзал фаришта!

* * *

Бир эркин қўшиқлар куйламоқ истар,
Бир озод диёрни қўмсайди юрак.
Олис ўлкаларга бош олиб кетсам —
Бир ташна илинжда энтикар қўкрак.

Кетсам дейман сира қайтмасам,
Кўнглим колган бу маконга ҳеч.
Кундуз ёниб қўшиқлар айтсам,
Ором олсам тушганида кеч.

Бу оламда кенгликлар бормиш,
Чаман бормиш бизлар билмаган.
Бизлар тахлит одамлар бормиш,
Дийдасини ситам тилмаган.

Юрак ёниб самони кўзлар,
Пуч хаёллар сифмайди шеърга.
Пок туйғулар кўкка бошлайди,
Гуноҳимиз торгади ерга.

Бу хом хаёл., балким, бир рўё,
Лекин, кўнгил талпиниб ҳалак,
Осмон бизга боққайми қиё,
Паноҳига олгайму фалак?!

1990 йил



БАҲОР

Бўй кўрсатиб ҳут, ҳамал,
Хуш бўйлар елиб қолди.
Таралди абри найсон,
Баҳор ҳам келиб қолди.

Наъматак об ташлади,
Харсангтош тоб ташлади,
Қорқизнинг кўйлагидан —
Тоғ озроқ юлиб қолди.

Оловланди, олланди,
Кўкда камон солланди,
Сув булутга ёлланди —
Ариқлар тўлиб қолди.

Илдиз беҳол тўлғонди —
Бойчечаклар уйғонди,
Лайлак қарға бўйнига —
Чўп билан солиб қолди.

Қиз, жувонлар яйрайди,
Беданалар сайрайди,
Баҳорбону қирларга —
Кўйлагин илиб қолди.

Тўпланди қирқта малак,
Тайёр бўлди сумалак,
Саксон ёшли кампирлар
Қиқирлаб кулиб қолди.

Деҳқон уруғ қадайдди,
Шоир кўкка қарайди,
Чўпон қирга термулиб
Хаёлга толиб қолди.

Янги аср бошланди,
Улкан одим ташланди,
Кимнингдир бағри тўлиб,
Кимлардир нолиб қолди.

Қафаслар бузулгандир,
Кишанлар узилгандир,
Нокас ғаним қонсираб
Бағрини тилиб қолди.

Хур бўлса агар одам
Икки дунёнг бир қадам,
Дунё аҳли ўзбекнинг
Мардлигин билиб қолди.

Юр, азизам кезайлик,
Ер тафтини сезайлик,
Тоғларга борганимга
Кўп замон бўлиб қолди.

ЧЎЛПОНГА ИҚТИБОС

Бир тутам сочларинг қўлда ўйнарман,
Ҳар толим сочингга умрим сочай мен.
Қора сочларингдай қорайса умрим,
Қора кечмишимдан қайга қочай мен.

Қора сочларингдай қорайса умрим,
Сунбул сочларингни кимлар тарайди?
Сен ўзинг қарғардинг вафосизларни
Энди қарғишларинг сени қарғайди.

Сен ўзинг қарғардинг вафосизларни,
Бул кун қарғишларинг сени қийнайди.
Ҳар толим сочингга умрим сочай деб
Энди сочларингни кимлар ўйнайди?

ЁДИНГДАМУ...

Сен Навоийга тобин,
Ул шайх Жомийга аймоқ.
Биз Махтумқулига тирноқ,
Насимий ёдингдаму?

Олтойу, Помир иноқ,
Битта илдиз, битта япроқ,
Боиси ушбу тупроқ —
Яссавий ёдингдаму?

Авлиё Термиз бобо,
Нақшбанд Ҳақдин сабо,
Эгнида адрас қабо,
Увайсий ёдингдаму?

Атоий ҳамда, Ҳувайдо,
Ҳожаи Жаҳон деган жойда.
Юсуф Ҳамадон руҳи пайдо,
Бухорий ёдингдаму?

Мансурнинг қони сачраб
Уйғонди бобо Машраб,
Ёришди сокин атроф —
Гулханий ёдингдаму?

Кўксида армон қат-қат,
Нодира момом хилқат,
Дардингни олур Фурқат —
Муқимий ёдингдаму?

Насимий ёдингдаму,
Яссавий ёдингдаму,
Навоий ёдингдаму,
Фузулий ёдингдаму...

* * *

Қушлар тарк этибди бизнинг боғларни,
Буткул сарғайибди далалар, қирлар.
Сенинг кўз ёшларинг эдими, бағрим,
Менинг тушларимга кирган ёмғирлар...

Мен минг марта севаман дедим,
Бўғзимга сиғмаган сўзларим билан.
Сен минг марта севаман дединг,
Йиғидан қизарган кўзларинг билан.

Сен кимдан кам эдинг, мен кимдан ҳақир,
Кетдинг кўзларингда осмон акс этиб.
Бизни адаштириб шод бўлган тақдир,
Қолди ортимиздан қаҳ-қаҳа отиб.

Кимга сиғинаман кимга йиғлайман,
Кимнинг кўкси бўлар сўнгги масканим?!
Наҳот азоб эрур, гуноҳдир наҳот —
Менинг одамлигим, инсон эканим.

Қушлар тарк этибди бизнинг боғларни,
Буткул сарғайибди далалар, қирлар...

1982 й.



* * *

Менга умр берган табиат,
Ёр ҳам берди сен каби гулюз.
Юлдуз тўла Ватан осмони,
Сен ўзингсан энг ёруғ юлдуз!

Бу дунёга келиб ёлғизим,
Сени севдим, бир сени топдим.
Шул суюкли чўлпон кўзларга,
Тикилмоқлик бахтини тотдим.

Ёш юрагим ишқ билан тўлуғ
Ўлим бизга бермагай завол.
Покизадир чунки суюганим,
Фариштадир бамисли хаёл.

Хаёл бизга ажиб дўст эрур,
Самоларни қучар дастларим.
Биз ҳаммамиз эркин қушлармиз,
Лек, севгига қулмиз дўстларим.

* * *

Кўрдимки, дунёда қонунлар кўпдир,
Улар қайнатади менинг қонимни.
Севгилим, сен менга лабингдан ўптир,
Токи, тан олмайин бирор қонунни.

Омонат умримда кўп ўлим кўрдим,
Хатарга тўладир чор тараф гулим.
Кеча мен сенинг лабингдан ўпдим-
Мени ўлдиrolмас ҳеч қандай ўлим.

* * *

Топширди энг сўнгги фурсатни тақдир,
Барвақт қўлимизга ўйламай нетмай.
Таъна қилолмасмиз унга барибир,
Бахт ҳам юз ўгирди қўлимиз етмай.
Оташин ишқингда ўртандим бебош,
Ёмғурдай ёғдирдим туйғуларимни.
Лекин, тополмадим бирон бир сирдош,
Баҳам кўрмоқ учун қайғуларимни.
Танҳо бир ўзимга аён ғамларим,
Мусофир мисоли яшар дилимда.
Кундан-кун кўпаяр ғамгин дамларим,
Кимдир чиқиб қолар ногоҳ йўлимда.
Сени эслатар у бепарво санам,
Сезаман ўзимни танҳо гуноҳқор.
Гўё, тонг нурида буғланган шабнам,
Мисоли қалқийди ўткинчи иқроп.
Бул кун ўзгададир юрагинг майли,
Қадрдон исмингни шивирлар лабим.
Аммо, тан оламан шу ишқ туфайли,
Бокира ҳисларга тўлди юрагим.

1981 йил.

ТИЛСИМ

Бўлмаганда бўлмасди Мажнун,
Фарҳод қайда эди бўлмаса Ширин.
Дунёда не тилсим, қанча сеҳр бор —
Муҳаббат деган сўз яширин.

* * *

У энди ҳеч қачон қайтиб келмайди...
Ўша тун сезганман пинҳон жаҳдидан,
Ялиндим, ёлвордим:
— Худойжон,
уни қайтар дедим, тушсин жаҳдидан.

Саҳар туриб ибодат қилдим
Ўтгин дея гуноҳларимдан.
Қўли баланд келди яна нафратнинг
Менинг заиф дуоларимдан.

Одамлар тинмасдан елиб, югуриб,
Тиклашар вайрона шаҳарларини,
Ғаввослар бир зумда топиб берурлар,
Ногоҳ сувга чўккан гавҳарларини.

Менинг хам кўксимга бир тун чўкди-ю,
Кетмай туриб олди оғир юк солиб,
Мен қайси султонга шикоят қилай
Кимга арз этурман ўзимдан нолиб.

Менинг хам кўксимда бир шаҳар портлаб,
Одамлар изиллаб, солмокда уввос.
Тинимсиз шўнғийман қора зулматда
Мен бу дунёда энг бахтсиз ғаввос.

...У энди ҳеч қачон қайтиб келмайди,
Ўша тун сезганман пинҳон жаҳдидан...

1988 йил. Самарқанд

ЭСЛАШ

Ҳаммаси тугаган...
Қўмсайман гоҳо,
Кўпдан йўқотганим сирдош хаёллар.
Барглари тўкилган дарахтнинг гўё,
Мажруҳ шохларини силкир шамоллар.
Баъзан юрагимнинг бўм-бўш саҳросин,
Тўлдиргандай бўлар ҳаётбахш бир сас.
Ўтган кунларимнинг мубҳам рўёсин
Чулгайди ногоҳон ҳаётин либос.
Шунда пайо бўлар ул таниш рухсор,
Паноҳ излашади ҳорғин қайғулар.
Рухимда курашар иқрор ва инкор,
Юракни тилкалар турфа туйғулар.
Гўё, танитайсан, боқасан ғамли,
Гапларинг пойма-пой, қийнайсан сўзни.
Қаҳ-қаҳ куласану, кўзларинг намли,
Шодмон кўрсатмоқчи бўласан ўзни.
Сен қаҳ-қаҳ куласан бардошим етмас,
Дўстим, қулгуларинг айлайди беҳуш,
Менинг қулоғимга қулгулар эмас —
Ёлғиз эшитилар йиғлаган товуш!

1982 йил.

МЕРОС

Ялонғоч келгандик, заминга аммо,
Асли, ватанимиз ул олис само.
Хотиннинг гапидан чиқаолмаймиз —
Одам отамиздир, онамиз Ҳаво.

ИЛК СЕВГИ АРМОНЛАРИ

Гулнинг япроғига шабнамлар шайдо,
Уфқлар ортига йўл олар Қуёш.
Лаҳзада фалакни тарк этар зиё,
Нигоринг кўзида яна қалқар ёш...
О, муҳаббатга солғувчи яғмо,
Риштасимон ёвузлик бебош!
Аммо, тонгда бақигай Қуёш!

Қирларда гуллар ҳам унади шунда,
Ўтлоқзор, майсазор, боғлар ичинда.
Лекин, тиконгул ҳам ўсгайдир бунда,
Дилларнинг бокира севгиси аро,
Охири не бўлғай, билмам, алҳазар!
Шубҳалар, гумонлар, юракни эзар...

Гуллар нозланадир чаманлар аро,
Уммонлар ортидан қайтгайдир Қуёш!
Лаҳзада фалакни чулғайди зиё.,
Нигоринг кўзида яна қалқар ёш?!
О, ишқ аҳлини қўлловчи Ҳаллоқ,
Рашку, гумонларда ўрганмасин дил,
Азиз этган эдинг., тагин азиз қил!

Қувнарни дилларнинг алласи каби,
Ўтган кунларингнинг наъшу-намози,
Лекин, юракларни ларзага солди,
Дилда айрилиқнинг аччиқ нидоси.
Осмонда балққанда ул қодир Қуёш,
Шамолда булутлар аста тўкар ёш...

Гулзорингдан эганда еллар,
Узоқлардан салом элтарлар.
Лабингдан сачраган, соғинчлар-селлар,

Нигоринг қалбига охир етарлар.
Орзиқиб қутганинг висол дамларин,
Ризқи олий дея кутиб қолгаймиз —
Ажойиб кунларда бирга бўлгаймиз...

Шоҳ Усмон -1979-80 йй.

* * *

Кўз ёш тўқдинг,
хўрсиндинг,
қаҳр билан қовушар эшик.
Бу уйдаги неки бор бўлса
кўзларимга кўринар шумшук.

Шу эканда бор йўғинг ҳаёт,
кўнгил сўраб имлайди китоб.
Сўқир каби сезмабман бағрим
кўзларингга ўхшаркан офтоб.

Кўкрагимга ёғдулар тўлди
нигоҳимни қиздирди қуёш.
Мен бор йўғи одамман жоним,
мен бор йўғи бир тирик бардош.

1981 йил.



* * *

Мени ўз қошига чорламас биров,
Менинг ҳам ҳеч кимни тусамас кўнглим.
Тундай сочларимга кўнди-ку қиров,
Кўзимнинг нури ҳам оз қолди гулим.

Дунё неъматларин хўп тотиб кўрдим,
Томирда кўпириб оқди гуноҳим.
Фазоларни тутди ўтли фарёдим,
Лек, дастим етмади сенга эй, моҳим.

Энг яқин дўстлар ҳам унутди ҳайҳот,
Сен ҳам унутгансан мени гулжамол.
Нагоҳон ақлимни киргазди ҳаёт,
Аччиқ таъналарим келмасин малол.

Турмуш ташвишлари комига тортган,
Ёру-жўраларга таънам йўқ ортиқ.
Энди у кунларнинг қуёши ботган,
Энди у кунлардан хотира тортиқ...

1984 й.

* * *

Туни бўйи шивалаб ёғди
Туни бўйи шеър ёғди эзиб.
То тонггача ўртанди жоним
Сендан кечиб, ўзимдан безиб.

То тонггача ўртанди жоним
Жон чиқарга бир дам кифоя.
Айтолмадим, айтаолмадим -
Мен ҳам сендек севардим дея...

1985 йил.

* * *

Тонг қушлари келиб кетдилар,
Деразангда сайрашиб узоқ.
Билмам улар қайга етдилар,
Йўлларида беомон тузоқ...

Ётоғингни куйга тўлдириб,
Сўнг кетдилар кўзлари маъюс.
Куйларини сенга қолдириб,
Мунгларини таширлар олис.

1982 йил.

* * *

Кеча келган эдим, бугун ҳам келдим,
Кетдим юрагимни ўтларда ёқиб.
Кеча кетган эдим, бугун ҳам кетдим,
Бу гам дарёсида хас каби оқиб.

Мен биламан бу чўлпон кўзлар,
Қайтиб мени кўрмаслар ортиқ.
Лабдан учган аламли сўзлар
Севгимиздан абадий тортиқ.

Мен кетаман қолар бу боғлар,
Япроқлар ҳам ташлайди ларзон.
Тақдирдошим шу соқов тоғлар,
Сирдошимдир шул фасли хазон.

1982 йил.

ХОЛ

*«Агар кўнглимни шод этса,
ўшал шерозлик турк жанони,
Қаро холига бахш этгум
Самарқанду, Бухорони.»
Хофиз Шерозий.*

...Бу бир шеър устида бўлган тантилик,
Қанча озор етди шоир жонига...
Гўзаллик, покликка буюк ҳайрати,
Мангулик бахш этди Ҳофиз номига.

Барча шарқликларнинг томирларида,
Сахийлик гулоби оқар азалдан.
Имкон тополмасак ҳотамтойликка,
Шаҳарлар берурмиз шеърда, газалда.

Қадимдан покликка сажда қилганлар,
Хақнинг жамолига охир етганлар.
Ол чачвон остидан ой балқса бир бор,
Боболар ҳасратда ёниб ўтганлар...

...Ром этди қаро хол, ол яноқ санам,
Шикаста юрагим яна ғамники.
Холлар мадҳиясин бошлаганим дам,
Дилдор ноз айлади: «дугонамники»...

Менинг танти бобом нечун қисиндинг,
Руҳинг боқий қолиб жисминг ўларкан?!
Шероз дилбарининг холи чин бўлса,
Маҳрига жаҳонни берсанг бўларкан!

Улуғ аждодларим сўрайман Сиздан
Неларнинг уволи урди бизларни?!

Алпомиш келбатли не, не йигитлар-
Етаклаб юрибди сохта қизларни.

Дилларни қон қилди алдов, хиёнат,
Ортиқ эъзозладик сунъий имконни.
Тўшаклар пок бўлсин, холлар табиий,
Қучоқлаб ётмасин йигит гумонни.

Қизларжон!

Шу юрак, шу хокисор тан,
Шакарлаб, бир калом сўзингизники.
Жаҳонни бахш этгум холингиз учун,
Фақат улар бўлсин ўзингизники!

1984 йил.

* * *

Бу дунёда учрашмадик биз,
Сени кутдим Ер бекатида.
Биз билмаган нимадир бўлди,
Юлдузларнинг ҳаракатида.

Мен эртароқ келганман балким,
Балким, келиб кетгансан жоним!
Сен кечикиб келгансан балким,
Мен бу ерни тарк этган оним.

Бу дунёда учрашмадик биз,
Сени кутдим Ер бекатида...

1989 йил.

«ДЎСТ БЎЛСАНГ..»

Дўст бўлсанг ёнимда тур
нолалар айлар ҳофиз,
Кўз тикиб узоқларга
содиқ дўст излар ҳофиз,
Топаолмай дўсти содиқ
қайтадан бўзлар ҳофиз -
Эй, дўстлар, дўст йўқдир
Оллоҳдин ўзга!

Дўст тополмай Машраб бобо
кўк сари учиб кетди,
Қанча сўфий, анбиёлар
туфроқни кечиб кетди,
Дўст сўраб нола чексам
Офтоб ҳам чўчиб кетди —
Эй, дўстлар, дўст йўқдир
Оллоҳдин ўзга!

Ёлгон десам бу дунёни
ёқамдан олдиларку,
Сўнг ечолмай бул жумбоқни
хаёлга толдиларку,
Қанча зўрлар мунгайиб,
лол бўлиб қолдиларку —
Эй, дўстлар, дўст йўқдир
Оллоҳдин ўзга!

Мулки дил вайрон эрса,
бу жаҳон вайронадур,
Аҳли гофиллар сархуш,
то ҳануз ҳайронадур,
Бор тирик жон охир ул кун
Ҳақ дебон ёлборадур —
Эй, дўстлар, дўст йўқдир
Оллоҳдин ўзга!

Асли, дўстлар шул замин
мухташам мозоримиз,
Келди, кетди авжида
қайнаган бозоримиз,
Юр, азизам, ҳеч кимсага
етмасин озоримиз -
Эй, дўстлар, дўст йўқдир
Оллоҳдин ўзга!

ОЙ ДАЛА

Тун бўйи ёмғирга қонди ой дала,
Кундузи офтобда ёнди ой дала.
Ой дала, ой дала, гўзал ой дала,
Эй, гўзал сирларга тўла бой дала!

Бир дилбар ўтдими ёнингдан ёлғиз,
Сочлари тунқора, юзлари қирмиз.
Ой дала, ой далам, гўзал ой дала,
Эй, гўзал сирларга тўла бой дала!

Ёнингга келурман ҳар кун, ҳар тун,
Кўрдингму ой дала, кўрдингми уни...
Ой дала, ой дала, гўзал ой дала,
Эй, гўзал сирларга тўла бой дала!

Бир замон бағрингда висол қургандик,
Ёмғирлар остида йиғлаб тургандик...
Ой дала, ой дала гўзал ой дала,
Эй, гўзал сирларга тўла бой дала!

ҲОФИЗ

Шерали акага

Худо берган овоз худо берган соз,
Халқимнинг меҳрига сазовор ҳофиз.
Куйласа дилларни айлаб сарафроз —
Беюрак, сангдилни жазолар ҳофиз.

Кўнгли доим баҳор сира қиши йўқ,
Сохта доврўқларга унча ҳуши йўқ
Ҳасадгуйлар билан асло иши йўқ —
Қушиқ қанотида фазолар ҳофиз.

Беллашур хамиша моҳирлар билан,
Маслакдош Собиру, Зоҳирлар билан,
Руҳан сирлашади Бобирлар билан —
Юракни андуҳдан тозалар ҳофиз ..

Нағмада қумридан пеш бўлиб юрар,
Қўйнида куръони эш бўлиб юрар,
Шул сабаб ишлари беш бўлиб юрар -
Куйласа тарқалур низолар ҳофиз..

Шогирдлар илмига келтирар имон,
Кулбасин ёритар офтоб — Шоҳжаҳон,
Юз йилда бир келар Шер каби инсон —
Қўксида кўп мунгли сазолар ҳофиз.!

1989 й.



АЁЛНИ АРДОҚЛА

*“Жаннат Оналарнинг оёғи остидадир..,”
ҳадисдан*

Аёлни ардоқла, кўзларингга сурт,
Унинг ул покиза бармоқларини.
Аёлни ардоқла, кўз ёшдан арит —
Худо ёрлақанган яноқларини.

Аёлни ардоқла, кўнглига қара,
Аяма, ер юзин гавҳарларини.
Ҳофиздай танти бўл, холига бахш эт —
Дунёнинг энг гўзал шаҳарларини.

Аёлни ардоқла, кўкларга кўтар,
Самонинг энг тоза кенглиklarига.
Аёл иззатини қилмаса агар,
Ишонма ёлғончи тенглиklarига.

Оналар пойига поёндоз айла,
Жаҳон салтанатин байроқларини.
Аёлни ардоқла, саждагоҳ деб бил,
Султонлар сифинган оёқларини.

Онам де, синглим де, ёрим де., ёлбор,
Эъзгу оятларни шивирлаб лабинг.
Шунда кўкрагингдан тарқалиб гўбор —
Меҳру муҳаббатдан пок бўлар қалбинг.



АСРАНГ

Бу дунё аслида ёмғирли, қорли,
Гоҳида шод бўлсак, гоҳида зорли,
Ҳозирча отангиз, онангиз борми —
Отангизни асранг отаси борлар,
Онангизни асранг онаси борлар!

Шу ҳаёт ташвишин бирга тортамиз,
Бугун офтоб бўлсак эртан ботамиз,
Шундоқ ўтган асли, Одам отамиз —
Отангизни асранг отаси борлар,
Онангизни асранг онаси борлар!

Шулар бор дунёнинг ямоғи бутун,
Шоҳнинг ҳам гадонинг тамоғи бутун,
Олис юлдузларнинг саноғи бутун
Отангизни асранг отаси борлар,
Онангизни асранг онаси борлар!

Тўнлари гоҳ бутун, ямоқда бўлар,
Хаёли гоҳ пахта, чаноқда бўлар,
Гоҳ озоликда, қамоқда бўлар —
Отангизни асранг отаси борлар,
Онангизни асранг онаси борлар!

Онанг ҳаёт бўлса Онам деб юкин,
Отанг ҳаёт бўлса Отам деб юкин,
Ёринг ҳам аёлдир санам деб юкин —
Отангизни асранг отаси борлар,
Онангизни асранг онаси борлар!

Баҳор қабрларга чечаклар тақар,
Қайноқ кўз ёшларим ичимга оқар,
Офтоб ҳам мунгайиб етимдай боқар —
Отангизни асранг отаси борлар,
Онангизни асранг онаси борлар!

Оҳ, Онам келсаю, бошим силаса,
Оҳ, Отам келсаю, тилак тиласа,
Шарт юлиб берардим юрак сўраса -
Онангизни асранг онаси борлар,
Отангизни асранг отаси борлар!

2000 йил.

ВАТАН

Робиндранот Тагордан

Ёмғирли, қировли кунларда ҳам жим,
Ҳар жойда, ҳамиша сени ўйладим.
Мени чорлаб турди юксак қоялар,
Эсимни танибман сени куйладим.
Қутлуғ шаҳарларинг, яйдоқ чўлларинг,
Куйлайман ям-яшил ўрмонларингни.
Шамоллар майлига ловулатсин-у,
Ўчира олмасин гулханларингни.
Чақмоқлар қолдирган олов излардек,
Сўнмас ёлқин каби очилсин кўзлар.
Ҳаётнинг шами ҳам сўнгайдир бешон,
Гар, Ватан меҳрини туймаса сўзлар.
Сен менинг рўзгорим, энг тотли дамим.
Менинг тириклигим, эрким сен билан,
Сен менинг байрамим, сен менинг ғамим.
Сен менинг борлигим, айна ўзимсан,
Орзуим шаънингни гулга кўмолсам.
Жон нисор этсаму, сенга бир умр —
Қанийди, муносиб ўғлон бўлсам.

1985 йил.

ПУЛИ ЙЎҚ ОДАМ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Бунда ҳамма ненидир сотар.,
Пул билан ўлчанар ҳар дам, ҳар қадам,
Зору ҳайронликда кунларинг ўтар,
Ҳолинг не кечмоқда пули йўқ одам?

Ҳамма олсам дейди, дейди бермасам,
Сени тушунмайди мард ҳам номард ҳам.
Чайқовчига тегар қўлни сермасам —
Ҳолинг не кечмоқда пули йўқ одам?

Болалар пул дейди, пул дейди хотин,
Мулла ҳам пул дейди, пул дейди отин.
Пулдан яратганми бу инсон зотин —
Ҳолинг не кечмоқда пули йўқ одам?

Бошингда сочингдан танишларинг кўп,
Барининг қўлида ота мерос чўп.
Дунёнинг нелигин англадингми, хўп —
Ҳолинг не кечмоқда пули йўқ одам?

Одамлар бойлик деб юрт кезар сарсон,
Гоҳо, бир кечада бўлурлар яксон.
Сенда қаноат кўп, сенга кўп осон —
Ҳолинг не кечмоқда пули йўқ одам?

Ўзинг оч бўлсангда, элга нафинг кўп,
Бировдан қарзинг йўқ, катта гапинг кўп.
Ҳеч ёлғиз эмассан қара, сафинг кўп —
Ҳолинг не кечмоқда пули йўқ одам?

Сенсиз ўтмас сира тўй ҳам, мотам ҳам,
Асли, сендан чиққан машҳур Ҳотам ҳам.
Худди сендек эди шўрлик отам ҳам —
Ҳолинг не кечмоқда пули йўқ одам?

Хўжа Насридинда бойлик бўлганми?
Ё, Алдар тоғамда ойлик бўлганми?
Машраб бобонг уйлик, жойлик бўлганми —
Ҳолинг не кечмоқда пули йўқ одам?

Ёшликдан чапани, ёв урар эдинг,
Фил берсам тушликка қовураар эдинг.
Бой бўлсанг барибир совураар эдинг —
Ҳолинг не кечмоқда пули йўқ одам?

Гапни опқочмадим оз-моз ўрадим,
Сендай қўли очиқ, сахий кўрмадим.
Яратгандан сенга соғлиқ сўрадим —
Бошинг тошдан бўлсин пули йўқ одам?

1994 й.

СЕНГА НЕ БЎЛДИ

Сенга нима бўлди, сенга не бўлди,
Менга нима бўлди менга не бўлди?!

Кўзимни очсам сен, кўзни юсам сен,
Кўзингни очсанг мен, кўзни юсанг мен!

Менга нима бўлди, сенга не бўлди,
Сенга нима бўлди, менга не бўлди?!



БУ ДУНЁ ЁЛҒОН

Бу жаҳон тор эмас хўп кенг яралган,
Фалақдан покиза нурлар таралган.
Йўллари гоҳи ўнг, гоҳ сўл буралган,
Эй, дўст, сен Ҳақ дегин, Ҳақ сари чоғлан -
Бу дунё ёлғондир, бу дунё ёлғон!

Жаннатдан келгандир мушк, анбар, райҳон,
Шул обод заминни айладик пайҳон,
Ернинг усти вайрон, ости ҳам вайрон,
Жимгина оҳ чекар тоғлар ҳам ҳайрон —
Бу дунё ёлғондир, бу дунё ёлғон!

Фиску-фасод ичра улғайдик, ундик,
Ҳаёт шундай дедик тақдирга кўндик.
Шу ёлғон дунёни ёлғонга кўмдик,
Эй, кўнглим, ўкинма, қад тикла, тоғлан —
Бу дунё ёлғондир, бу дунё ёлғон!

Минг жадди жадалдир, бир рўзи азал,
Муҳаббат мен билган энг қадим газал.
Қолган гаплар рўё, бир чалкаш масал -
Эй, кўнгил, бор бўлсанг соғайгин соғлан -
Бу дунё ёлғондир, бу дунё ёлғон!

Шундоқ деган Машраб, Навоий ҳазрат,
Боболар кўксида поёнсиз ҳасрат.
Исминг Ҳумоюн ё, Ҳамроқул Раҳмат,
Эй, дўст!
Сен ҳақ дегин, Ҳақ ила боғлан -
Бу дунё ёлғондир, бу дунё ёлғон!

ТУННИ ҚАНДОҚ ЎТКАЗАМИЗ...

Тонг отишига озгина қолди,
Бу хабарни элга биз етказамиз.
Оғир ўй босади оқ саҳар олди —
Кунни қандай ўтказамиз?!

Кундуз тегирмони бизни ғажийди,
Шу аҳволда кўп иш битказамиз.
Бир Мажнун уфққа қараб йиглайди -
Тунни қандоқ ўтказамиз!?

Тун бизни қучоқлаб хўрсинар хаста,
Асли, унда айб йўқ лек, кетказамиз.,
Офтоб нурларидан тутар гулдаста —
Кунни қандоқ ўтказамиз?!

Эй, Фарҳодини йўқотган Ширин,
Эй, Ҳусанидан айрилган Ҳасан,
Кўрдим нигоҳингда савол яширин —
Тунни қандоқ ўтказамиз,
Кунни қандоқ ўтказамиз?!

АРОСАТ

Бу ҳам замонанинг қаттол ўйнида,
Рўзғор ташвишлари аёл бўйнида.
Хотин юк кўтариб бозорда сарсон —
Эмизикли бола ота қўйнида...

СЕВДИМ ДЕГАН СЎЗ

Кунлар ўтар кунларни қувиб,
Йиллар ҳам ўтарлар шундай бешафқат.
Навқирон йилларда ўтган дамларга,
Ҳавасла боқмоқлик пайти ҳам келар.
Ва лекин, келмагай тилга ҳеч қачон,
Юракдан айтилган ўша илк калом —
Илк бора айтилган севдим деган сўз!

Кулмагин, жонгинам ҳали ёшдирман,
Сенинг висолингга етмоқлик учун
Курашмоқ келади қўлдан ҳар қалай,
Карбало даштида билмам қай бир кун,
Кабир саҳросидай қақрар лабларим.
Нажот чашмасини узатган дилбар,
Ошиқлик таъмасин бошласа ногоҳ,
Оғзим қумга тўлар, аммо мангуга —
Чанқаган вужудда пинҳон қолгуси
Илк бора айтилган севдим деган сўз!

Биламан, севасан мендан бешбаттар,
Сенинг ҳам бор-йўғинг ёлғиз севгимиз,
Аммо, бу одамлар нелар демаслар?
Қулоқ сол, ёлғизим, қалбинг нима дер?!
Сен унинг амрини айлагин адо,
Агар, юрагингни эса шубҳалар,
Сен менинг қошимга келгин, дилбарим.
Кўзимга боққину ўқигин ундан,
Муҳаббат китобин эъзгу сатрини,
Жаҳонда ошиққа муқаддас эрур —
Илк бора айтилган севдим деган сўз!

1980 йил.

ОМОНАТ

Умрнинг эгови афсус надомат,
Ем берсанг депсиниб тишлар ёмон от.
Дунёнинг русми шул, келган кетгайдир,
Мезбон ҳам омонат, меҳмон омонат!

Йўлга чиқар бўлсанг йўлингни берсин,
Ҳам ўнгингни берсин, сўлингни берсин,
Ҳазрати Хизрга қўлингни берсин —
Карвон ҳам омонат, сорбон омонат!

Тоғлардан таралгай салқин шамоллар,
Ожиз вужудимиз руҳни қамаллар,
Бизни адаштирган сохта амаллар —
Рост ҳам омонатдир, ёлғон омонат!

Устозим тўғри сўз бир ростгўй эди,
Номардни учратсанг дарҳол сўй дерди,
Рост сўзи шўрликнинг бошини еди —
Қилич ҳам омонат, қалқон омонат!

Дунёда ҳикмат кўп ҳеч адо бўлмас,
Иймони покларнинг руҳлари ўлмас,
Яхшининг боғлари сарғаймас сўлмас —
Боғ ҳам омонатдир, боғбон омонат!

Юлдузлар бамисли тунги шамлардир,
Мазлумнинг кўзида қотган намлардир,
Дунёни қаритган эски ғамлардир —
Офтоб ҳам омонат, осмон омонат!

Мезбон ҳам омонат, меҳмон омонат,
Қилич ҳам омонат, қалқон омонат,
Карвон ҳам омонат, сорбон омонат —
Офтоб ҳам омонат, осмон омонат!

2000 йил.

ТУРКМАННИНГ

Султон оғага

Ой, юлдузлар ҳамсояси,
олтин қумли кенг саҳроси,
Офтоб деган меҳрибони
момоси бордир туркманнинг.

Сўзни шамширдай тиглаган,
Ватаним деб йиглаган,
Маҳтумқули деган булбул -
бобоси бордир туркманнинг

Тека, ёвмут, салыр, човдур,
олти беклар., битта бовур,
Туронзамин бағрида
садоси бордир туркманнинг.

Ўтди хонлар бир-бирин еб.,
бергин фақат олайин деб,
Олис тарих қатларинда
яроси бордир туркманнинг.

Ҳумо қуши қўнди бошга,
нур таратур кекса ёшга,
Кетмас давлат, кенг феълли
дунёси бордир туркманнинг.

Туркман элга худо берган,
қора, қизил тилло терган,
Зулматларни ёритгувчи
зиёси бордир туркманнинг

Дунё бўйлаб сочилгандир,
энди йўли очилгандир,
Дўсту-ёрлар даврасинда
сафоси бордир туркманнинг.
Кишанларин узди туркман,
қафасларни бузди туркман,
Туркманбоши ноласида
нидоси бордир туркманнинг.

Подшоси ҳам газал ўқир,
хур қизлари гилам тўқир,
Туркман қизин кўйлагинда
ибоси бордир туркманнинг.

25.08.2002 йил.

НИЛУФАР

Ногоҳ сени кўриб ўртанди жоним,
Исмингда гулларнинг атри бор нафис.
Лола яноғингда акс этар қоним,
Умримнинг чечаги кетмагин олис!
Фалакка термулиб илтижо қилай,
Азиз бошинг узра порласин қуёш,
Ранжу маломатда сочларинг силай,
Хоҳ ёндир, эркалан, бўлма бағритош!
Орзуманд шу юрак мафтунинг сенинг,
Нулуфар! Очилгин боғимда менинг...



ЎНТА УКАМ БОРУ., ЛЕКИН ЁЛҒИЗМАН

Гоҳо, даштда қолган эгасиз уйдек,
Гўё, қум ковлаган шўрлик қўнғизман.,
Фарёдим кимгадир ёқимли куйдек –
Ўнта укам бору., лекин ёлғизман!

Менинг чўлда унган чечагим анғиз,
Тушларимга кирар қўшним қари қиз,
Ёлғизман, ортимда яна бир ёлғиз –
Ўнта укам бору., лекин ёлғизман!

Кўксин захга берган мисли Алпомиш,
Йиғласам., йиғладим чиқармай товуш,
Соғинчнинг боласи дийдор эрка қуш –
Ўнта укам бору., лекин ёлғизман!

Етимда она йўқ, отаси ўлган,
Йўқ чинор эмасман, майсаман сўлган,
Юрак бир совуқ меҳр, соғинчга тўлган –
Ўнта укам бору., лекин ёлғизман!

Бу дунё куйдирги., кўп қилди ҳалак,
Ер ҳам майдалашди, торайди фалак,
Ҳар тун алла айтар Онам ой малак –
Ўнта укам бору., лекин ёлғизман!

Бир тоғ ингранади илдизи қақшаб,
Тўлқин қайтишини кутар қирғоқ-лаб,
Бутун халқ турибди мендан ўпкалаб –
Ўнта укам бору., лекин ёлғизман!

Ёлғизман., ортимда яна бир ёлғиз...

ҲАЁТ БИР ИЛМДИР БОШИ ЙЎҚ,
ОХИРИ ЙЎҚ

Абдураҳим эшон Аминжон ўғлига

Оллоҳ зикридадир ҳар лаҳза дилим,
Шул боис қўрқитмас мени ҳеч ўлим.

Бизга тан маҳрамдай шукр каломи,
Сабру қаноатга фарзанддир элим.

Қон ила жонларга сингигани шул,
Таъзимга талашар ҳар икки қўлим.

Тангрим назар солса вайрона обод,
Энг ғариб боғлар ҳам кўрингай сўлим.

Денгизим томирин қирқма эй, гаддор,
Жой-жойида турсин саҳройу - чўлим.

Чўлтоқ сафсатагни бас қил эй, воиз,
Ўзимга аёндир, ўзимнинг феълим.

Дунё бозоридан қайтмоқдадирмиз,
Юкларнинг зўридан қайишган белим.

Ҳаёт бир илмдир боши йўқ, охири йўқ,
Бизлар шул китобдан кичик бир бўлим.

Болишим остида Машраб девони,
Яссавий бобомдан олганман таълим.

Йўлдамиз кимларга йўлдош бўлмадик,
Охири қошингга қайтдим-ку гулим!

ҲАҚИҚАТ

О, ҳақиқат! Сени деб кўп ёндику юрагим,
Ҳатто, яқин дўстларга бўлмай қолди керагим.

Офтобга яқин юрса қуяр қушнинг қаноти,
Гоҳо, бир ширин сўзга боғлиқ инсон ҳаёти.

Ҳақ дея, ҳақиқат деб йиғлаб ўтди Хайём ҳам,
Келмадику, охир ул кун Хайём кутган айём ҳам!

Фарзанд қандоқ юпатсин йиғлаган отасини,
Оқил ўғлон унутмас аждодлар хатосини.

Кеча номи қоралар, бул кун оқдан оқроқдир,
Оқга ҳам қизилга ҳам макон ушбу тупроқдир.

Тоғу-тахт деб бир-бирин қирган бола-оталар,
Энг ҳаққоний тарихга ҳам ёзилмас кўп хатолар.

Гоҳо, кун ботмай туриб чодра илар зулумот,
Гоҳо, буюк донишманд ёш гўдакдан олур мот.

Эрксиз қулнинг мусиқадан юраклари қақшайди,
Озод бўлсанг қора тун нақ қўшиққа ўхшайди.

Зоти паст мунофиқлар элга сира бош бўлмас,
Шундай сирлар бор улар минг йилда ҳам фош бўлмас.

Ҳаром билан гоҳида ҳалол кетар қоришиб,
Гоҳо, кичик тирқишдан зиндон кетар ёришиб.

Дард дориса оғриқдан ололмайсан белингни,
Ёлгон босса қандайин қутқарасан элингни?

Ёлгонлардан дод дея., қабрларда оҳ тинмас,
Шоҳу гадо безовга, кўзларга уйқу инмас.

Олсаю, бермаса ҳеч одамзотнинг феъли шул,
Шоирлар гултож деган ер юзининг эли шул.

Биз эшитган ёлғондан ернинг ўқи букчайган,
Ишсиз қолиб шайтон ҳам қоматлари чукчайган...

О, ҳақиқатат! Сени деб адо бўлди юрагим,
Илдиз бўлсанг агар, сен шудгор бўлсин кўкрагим.

Аслида, сен мукаррам Яратганнинг сўзисан,
Сўзисанми демакки, бамисоли ўзисан!

Сочилгансан ҳар тараф, томирдаги қонимга,
Сенга малол етганда тиглар ботар жонимга.

Ҳақ дея, ҳақиқат деб йиғлаб ўтди Хайём ҳам,
Келмадику, охир бул кун Хайём кутган айём ҳам!

Золимларнинг наздида ёмон бўлгин ҳақиқат,
Қайда бўлсанг майлига омон бўлгин ҳақиқат!

2000 й.

* * *

Сенинг кўзларингни жуда соғиндим,
Сочларинг бўйини қўмсаб юрибман.
Бир толим сочингдан олиб қолгандим,
Сени эслаганда ҳидлаб юрибман.

Юрак хаёлингла олгайдир озиқ,
Шу толим сочингнинг овворасиман.
Кўнглим шоҳлар кўнглидан нозик -
Муҳаббат мулкининг фуқоросиман.

1985 йил

ЮРАГИМГА

О, инсон юраги, муқаддас макон,
Ажойиб диёрсан бизнинг қалбимиз.
Ёнмасмиз, ёнмасмиз бизлар ҳеч қачон,
Сендай бўлолмасмиз, сенинг каби биз...
Асрий азобларда ёндинг, юрагим,
Муҳаббат дардига қул бўп яшадим.
Одамлар бир умр ичган шаробни,
Мен бир лаҳзада ичиб ташладим.
О, мағрур юрагим, сени йиғлатиб,
Муҳаббат қошида тиз чўкдим, эй воҳ,
Суюкли ёр қўлида сени тиглатиб,
Сўнгра даргоҳингдан изладим паноҳ.
Сени кўп қийнадим, энди эркин бўл,
Бахтингни излагил нурдан зиёдан.
Бир сирдош изладик аммо, минг афсус,
Уни тополмадик ушбу дунёдан.
Сенга бағишладим, ҳам сендан олдим,
Нур мисоли ортга қайтмас дамларим.
Энди сеникидир, сен билан қолдим,
Менинг шодликларим, менинг ғамларим
Лоқайд кечмоқдадир энди бу умрим,
Ҳол-аҳвол сўрайди ҳар дўсту ёрон,
Кунба-кун кўпаяр маъюс дамларим.
Одамлар юзимга боқишар ҳайрон.
Ҳаммасига дош беринг, бағрим,
Яширурсан камим, қўстларим.
Ғамгин кулиб дейман уларга —
Мен бахтлиман, келинг дўстларим...

1982 йил.

ТАШАККУР

*Тошкетт шаҳар 1-клиник касалхонаси
кардиология бўлими ҳамшираларига*

Сиз оппоқ либосда фаришталардек,
Сиз нажот элининг фаришталари.
Туну-кун тепамда турдингиз бедор,
Чекинди юракнинг таҳликалари.

Яродор оҳудек келдик мунғайиб,
Сиз асли Ҳидоят нажот қалъамсиз.
Жонбахш доруларни нўш этиб дейман —
Сиздадир Хосият тирик малҳамсиз.

Бирингиз Дилфуза, бирингиз Лобар,
Бирингиз қўл етмас гўзал Зухросиз!
Маҳбуба назмимда олам диловар,
Сайёра, Вазира хур каби поксиз.

Дору келтиради наҳор Эльвира,
Хонам ёришади киргандек қуёш!
Кўксимдан оғриқлар чекинар шул зум,
Танимга қайтади ғайрату бардош.

Бу ерга келтирди бизни хасталик,
Шафқатсиз ҳаётнинг талофатлари.
Сиз боис кўксимни кўтардим бул кун,
Битди юрагимнинг жароҳатлари.

Дилимда шукурона, тилимда раҳмат,
Энг буюк ҳикматни айтиб бердингиз.
Кимлардир қалбимга оғриқ солганди —
Сиз уни даволаб қайтиб бердингиз.

17.09.95.

ПИЁДАДАН ЧИҚҚАН ФАРЗИН
ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

*Шеър ва шахмат шайдоси,
дўстпарвар инсон
Амрулло Санақуловга*

Шахматда баъзида битта пиёда
Подшонинг ҳолини тамом танг этар.
Гарчанд, имконлари мингдан зиёда,
Фарзин сололмайди бунчалик хатар.

Пиёда ташлайди шошилмай одим,
Фарзин югуради жанг майдонида.
Бераркан ёвларнинг омонсиз додин,
Фарзин ҳалок бўлди ёв қўрғонида.

Пиёда шошилмай ташлайди одим,
Ўзгартмас, қадамин мана шу тарзин.
Маррага етди у кўринг мурудин,
Энди пиёдамас ҳақийқий фарзин!

Маррага етдию, боқди бир нафас,
Ёзди дилидаги ҳазинлигини.
Албатта енгар у, унутмаса бас —
Пиёдадан чиққан фарзинлигини.

1980 йил. Шоҳ Усмон.

ТУШ

У қизлар ичида ажралиб турар,
Кўзлари қошида қуёш мисли шам.
Қутлуғ сиймосидан иффат ёғилар,
Сўзлари руҳимни этарди равшан.

Энг бебаҳо ҳусни билан ҳаммани
Илоҳий лутфига айлаган иқро.
Кўрмаган ҳеч кимса бундай санамни,
Ёлғиз хаёлотда яшаган рухсор.

У билан бир лаҳза бўлдим ҳамсуҳбат,
Тенгсиз чиройига боқдим интизор.
Ҳурлар борлигига ишондим, фақат —
Кўз очиб уйғондим, дунё бўлди тор.

Энг дилбар каломлар битдим ўшал дам,
О, гўзал рухсорин бир кўрсам майли.
Мен ҳамон ёзаман, ёзганларим ҳам —
Ўша туш боиси, ўша туфайли..

1980 йил.



Д А Р Ё

*Туркийзабон халқларнинг улкан адиби,
устоз Одил Ёқубовга*

Ёнимизда оқар дарё, сира унга етолмаймиз,
Агар, унга етолмасак олисларга етолмаймиз.

У Туркистон тоғларидан Шош томонга оқиб келди,
Йўл йўлакай майсаларни суви билан боқиб келди.

Гоҳо, жўшиб чиқиб кетди баланд-баланд қирларга ҳам,
Ҳамдам бўлди оғир дамлар Аму билан Сирларга ҳам.

Ҳеч эринмай сийлагай ул сарғайгану сўлганларни,
Сийлаверар, ҳатто унга сал пал тўсиқ бўлганларни.

Бу баҳрдан баҳра олди қорақалпоқ овуллари,
Оққушларга тўлиб кетди олтин қумли соҳиллари.

Баҳра олди ундан тошлар., думли, думсиз балиқлар,
Баҳра олди уламолар, деҳқон, чўпон чўлиқлар.

Уммонларга талпинди у ҳеч бўлмайин хаёлларни,
Гоҳо, йиғлаб ўчирди у ёнаётган аёлларни...

Гоҳо, эса шерик бўлди пахтакорнинг ёшларига,
Ғазаб билан човут солди Кремльнинг тошларига.

Офтоб билан баб-баравар нур сочади кундузлари,
Тунлар унда товланади Улуғбекнинг юлдузлари.

Ҳурматини бажо айлар кўҳна туркий минорлар,
Ҳасад ила термулади мева бермас чинорлар.

У жимгина оқаверди тинмай сира оққан сари,
Кучларига куч қўшилиб осмонларга боққан сари.

Дарё

Бул кун ундан ичмоқ бўлиб кимлар келмас олислардан,
Таъриф сўранг фаранглардан, африқолик холислардин.

Юрагида яшар мудом бир муҳташам диёнат,
Парво қилмас шогирдлари қилса ҳамки хиёнат.

Ўзимиз ҳам бу дарёни кўп лойлатиб кечганмиз,
Лекин, унинг фарёдини на англаган, ечганмиз.

Бахтимизга шу дарё бор, тургай бизни тозалаб,
Баъзан ундан сув ичмоққа тополмаймиз тоза лаб.

Шу кунлари тиниқ тортиб, дурга тўлган бағирлари,
Сиз ҳам ундан баҳра олинг илми адаб олғирлари.

Совуқ келса у ҳам музлаб яхлагайдир эл қатори,
Шу туриши рамзи ибрат, шогидларга бел қатори.

Гоҳо, бирдан сал кўпирар асаблари таранглашиб,
Тўртта ирмоқ ажраб чиқди кўринг ана тайранглашиб...

Энди йўлда тўсиқларни қийналмасдан енгиб борар,
Оқаверар оққан сари Она ерга сингиб борар.

Макони шул Ўзбекистон, икки дарё оралиғдир,
Оқмай яна нима қилсин, касби унинг дарёлиғдир...

*PS: Ушбу шеър Одил Ёқубовнинг 70 йиллик юбилейи
муносабати билан 1998 йилда ёзилган. 2003 йилда
“Самарқанд” газетасининг 11 октябр сонидида босилган.*

СЕРГЕЙ ЕСЕНИН

Шоҳона уй керакмас асло,
Бўлса эди, кичик бир кулбам.
Бир бурда нон, бир пиёла сув
Менинг учун лаззатли таом.

Чор атрофи бийдаин дала,
Майли, ярми ёнтоқзор бўлсин.
Гар, истаса ғариб кўнглимга
Бирор жанон султонлик қилсин.

Керак эмас биллур қандиллар,
Тутаб турсин миттигина шам.
Йироқ бўлай ғийбат даврадан,
Ҳам бахтиёр, ёлғиз-у, беғам.

Ўтирмасман қоғоз қоралаб,
Не қайғудир келмаса илҳом.
Қофиялар ташвиши йўқдир,
Мен Пегасга эмасман ғулом.

Шеър ёзаман тупроқ кўчага,
Танқидчимдир ул дайди шамол.
Ёқса ўқи, мазза қил жўра,
Ёқтирмасанг тўзғит бемалол.

Бир қирчанғи бияни топиб,
Тулпорим деб олға қистарман.
Неки жиддий бўлса дунёда,
Қаҳ-қаҳ отиб кулмоқ истарман.

Харсангтошга ёнбошлаб олиб
Кучукларга сафсата сўқсам.
Тўғри ишлар не бўлди охир-
Хато қилиб қўйишдан кўрқсам.

Дарлашурман Тошбақа билан,
Лаб босганча Ёнтоқ гулига.
Иссиқ кунга муштум дўлайтиб,
Сўнг қайтаман келган йўлимга...

1984 йил.

ОНА ДЕГАНДИМ

Насибали амма ёди

Онамиз ўрнида она эдингиз,
Болангиз қатори болам дердингиз.
Ичингизда эди барча дардингиз —
Аммажон, мен Сизни она дегандим!

Елкамизда мерос рўзғор хуржуни,
Пойингизга сочсак юлдуз буржини,
Ўтай олмас эдик фарзанд бурчини —
Аммажон, мен Сизни она дегандим!

Дунёга маъсулдай бедор эдингиз,
Биз бемор бўлганда бемор эдингиз,
Ёруғ кун кўрмасдан ўтиб кетдингиз —
Аммажон, мен Сизни она дегандим!

Юракда кўп эди аччиқ нолангиз,
Киприкда қалқирди доим жолангиз,
Қуш каби мунғайиб қолди болангиз —
Аммажон, мен Сизни она дегандим!



МУБОРАК

Шоҳидага

Эй, руҳимнинг ҳамшираси,
Гўзал волидаси полопонимнинг.
Эй, кўнглимнинг фариштаси,
Эй, Момо Ҳавоси хонадонимнинг —
Яхши кунлар муборак!

Бу кунларни Тангрим Сизга берипти,
Ортимиздан қолар изга берипти,
Сизга бериптими., бизга берипти!

Сиздан келса меҳру вафолар яхши,
Сиздан бўлса ҳар не жафолар яхши,
Сиз ичган булоқлар, сафолар яхши!

Аслингиз покиза, наслингиз тоза,
Ҳар лаҳза, ҳар нафас, фаслингиз тоза —
Гўзал рухсорингиз васлингиз тоза!

Бизнинг исм бул кун Сизнинг исмдир,
Сизнинг жисм бул кун, бизнинг жисмдир,
Бу гўзал ёғдулар Сиздан тилсимдир!

Эй! Боғларни найсонлаганим,
Доим кечикканим, пайсаллаганим,
Менинг тортинчоғим, тайсаллаганим —
Яхши кунлар муборак!

Эй, салга кўнгли нурланиб, салга кўзи намланган,
Бу дунёда не сир бор бари Сизда жамланган
Эй! Кўкни ерга қаратганим,
Қулса нурлар таратганим,
Узи суюб яратганим —
Яхши кунлар муборак!

8.03.99.

ҚАЙЛАРДА ЭДИНГ

Кун ботганда қайларда эдинг,
Ой ботганда қайларда эдинг?

Қайда эдинг ёққанда ёмғир,
Сени ўйлаб ёнганда бағир?

Қайда эдинг ғамгин дамларим,
Синдирганда мени ғамларим?

Бедор чоғим қайларда эдинг,
Бемор чоғим қайларда эдинг?

Кун ботганда қайларда эдинг,
Ой ботганда қайларда эдинг?!

ҚУШ, ОВЧИ ВА ИТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Учаётган қушни сотди
осмонга қараб ҳураётган ит.
Учаётган қушни отурлар...
...Томоғига суяк тиқилиб ўлди
овчининг вафодор,
сотқин кучути.

ШОИРЛАРНИНГ
МАЪШУҚАЛАРИГА

Йигит интиқ ташлади назар,
Қиз хўрсиниб қўйди оҳиста.
Болта эди йигитнинг исми,
Қизнинг исми эса Шоҳиста...

Болта шоир шеърлар ўқийди,
Ҳеч кимсага боқмасдан қиё.
Титраб тинглар соҳибжамол қиз,
Буткул бўлиб унга маҳлиё...

Шоир эса оҳ чекар тинмай
Бор йўғидан мангу жудодай.
Талпинади шоирга сулув,
Сигинади худди худодай.

Ҳазалми ё, шеърлар ўқиди,
Илғайолмай қолдимда ўзим.
Шўрлик қизча хаста инграниб,
Тиз чўқдию, айлади таъзим...

Шоир гўё., тик мағрур қоя,
Шивирлайди зўр хаёл билан,
Сирлашади қиз четда қолиб,
Хаёлида бир аёл билан...

Савол бердим чидолмай сира,
Кўзлари тун, қора сочликка:
— Хотин бўлсанг шоирга синглим,
Чидайсанми гўзал, очликка?

Шоирларнинг хотинларидир,
Дунёдаги энг шўрлик аёл!
Сен додингни кимга айтасан,
Ҳеч ким сендан сўрамас аҳвол.

Ишлолмайди бирон бир жойда,
Тупурганман дейди бойликка.
Чидолмайсан эй, соҳибжамол,
Яшаб бўлмас ахир ойликка?

Ойлиги ҳам асли омонат,
Сенга етмай бўлгайдир тамом.
Мухлислари эса тумонат,
Шоир бой деб ўйлайди авом.

Битта узук олиб беролмас,
Йиллаб ёзган дostonларига.
Қовоғингни сал уяр бўлсанг
Кетиб қолар осмонларига...

Бу қавмнинг одати галат,
Йўқчиликни бойлик деб билар.
Ўз фарзанди йиглаб турганда,
Бегонанинг бошини силар.

Чор атрофи тўла душмандир,
Шароб ичар гадойлар билан.
Дон Ки Хотдай олишар тинмай,
Саройдаги худойлар билан.

Унга тегсанг ажрашинг тайин,
Худо берган гўзал кўркингдан.
Озодликни куйлайди лекин,
Жудо қилар сени эркингдан...

Билганимча айладим баён,
Энди мендан сўрама савол.
Дунёдаги энг бахтли жанон -
Шоир қалбин англаган аёл!

Болта эди шоирнинг исми,
Қизнинг исми эса Шоҳиста...

ЎГИТ

Ҳумоюнга

Юрагингга қулоқ сол,
кўп сирларни англайсан,
Тириклар ўз йўлига
марҳумларни тинглайсан.

Бу тинч оқар дарёларнинг
тўфонлари ичинда,
Ушбу сокин коинотнинг
бўронлари ичинда.

Ерда ётган харсангтош
кўп сирлардан огоҳдир,
Бу минг йиллик чинорлар
кўп жангларга гувоҳдир.

Сен наинки душманлар,
дўстлардан ҳам олис юр,
Еру- осмон орасинда
хаслардан ҳам холис юр.

Худди мендай сен ҳам эртан,
болам дейсан болангни,
Оғир дамлар ёлғиз ўғлинг
англамайди нолангни.

Гиналарга тобим йўқдир,
гоҳ кўнглимни бўйлайман,
Мен ҳам сендек жоним ачиб
жон синглимни ўйлайман.

Душманлар бор ҳеч эринмай
ортингдан жим, пойлаб юрар,
Тинчлик бермас ҳасад ўти,
кеча-кундуз, ойлаб юрар.

Гоҳо, осмон човут солиб,
олиб қолар қаҳрига,
Ушбу тупроқ бизга Она
чорлаб турар бағрига.

Бу оламдан кетмоқ фарздир
бу ишнинг йўқ кандаси,
Кўкка учгай ул жон қуши
ерда қолгай жандаси.

Бу дунёдан ҳар бир банда
ўзи кетар ўзи билан,
Сўнг борлиқни жим кузатар
боласининг кўзи билан.

Бу омонат ташвишлар ҳеч
бошгинангни эгмасин,
Омон бўлсанг бўлди менга,
майли, фойданг тегмасин.

Ҳаёт йўли кўп оғирдир
суринмасанг бўлгани,
Фойдаси йўқ кўп ишларга
уринмасанг бўлгани.

Бу дунёда мурувват кўп
барчасини бураб юрма,
Худо берар нарсаларни
бандасидан сўраб юрма.

ПОЛВОН

Дўстим Шерали Бўроновга

Бу дунёда Ватанлар кўп,
Мен шу юртга тикканман жоним.
Менинг учун ардоқли жуда,
Ўз элимдан чиққан полвоним.

Йигитмисан йигит, дўстмисан дўст,
Давраларнинг гули, жонида!
Рустам дoston, Паҳлавон Маҳмуд —
Тантилиги оқар қонида.

Мард ҳақида ёзай мардона,
Мақтовларга сира ҳуши йўқ.
Душманлари гийбат қилса ҳам,
Парво қилмас асло иши йўқ.

Қурашларда, беллашиб ўтди,
Умрининг кўп довларини.
Болам дейди шогирдларини,
Улуғлайди юрт полвонларини.

Полвонларни кўп кўрган дунё,
Ҳавас билан боқиб сағрига.
Полвоним деб ардоқлар ҳатто,
Юрт отаси босиб бағрига.

Бошимизга қировлар кўнди,
Қирқдан ошиб қайрилганимизда.
Ёнимизда хассакаш бўлди —
Яқинлардан айрилганимизда...

Таърифласам жўшиб даъфатан,
Шеърга сизмас, сизмас дostonга.
Мардлар билан ўктамдир Ватан -
Шерлар керак Ўзбекистонга!

ЗИКР

Хуш сифатлар Оллоҳники,
Хуш суратлар Оллоҳники,
Хуш сийратлар Оллоҳники —
Оллоҳ, Оллоҳ ё, Оллоҳ,
Қодир Оллоҳ ё, Оллоҳ!

Ризқу-рўзлар, Оллоҳники,
Қошу кўзлар, Оллоҳники,
Қутлуғ сўзлар Оллоҳники —
Оллоҳ, Оллоҳ ё, Оллоҳ,
Қодир Оллоҳ ё, Оллоҳ!

Замину, Ер Оллоҳники,
Ҳам олу-бер Оллоҳники,
Оллоҳим дер Оллоҳники —
Оллоҳ, Оллоҳ, ё Оллоҳ,
Қодир Оллоҳ, ё Оллоҳ!

Оллоҳники,, фазолар,
Гоҳо, бериб жазолар,
Мукофотлар қазолар —
Биру-борим, қодир Оллоҳ,
Оллоҳ, Оллоҳ, ё Оллоҳ,
Қодир Оллоҳ, ё Оллоҳ!



УМР

Исмат акага

Умр ўтиб бораркан
ёш бўлиб қари бўлиб,
Ёшлик ҳам қолиб кетди,
бир гўзал пари бўлиб.

Тундай қора сочларга
қировлар қўнмоқда-ку,
Замон отлиғ дурадгор,
ҳассамиз йўнмоқда-ку.

Ортингда қолган тоғлар,
сир бўлиб кўрингайдир,
Олдиндгдан чиққан кесак -
қир бўлиб кўрингайдир.

Гоҳида зор бўлгаймиз
бирон жони ачирга,
Гоҳо, жуда ўхшаймиз,
юк ортилган хачирга.

Гоҳо, буткул азобдай
туюлгайдир умримиз,
Найзасин санчиб қолар -
уйда юрган қумримиз.

Орол тўлиб кетарди
бизлар тўккан ёшлардан,
Елкамизда соғ жой йўқ -
дўстлар отган тошлардан...

Умр ўтиб бораркан
ёш бўлиб қари бўлиб,
Ёшлик ҳам қолиб кетди,
бир гўзал пари бўлиб.

СИЗ ЎШАСИЗМИ

Эй, ёр Сизга ошиқ бўлган биз,
Бошга дурра ўрамайсизми?
Отабекни суйган Кумушдек -
Сиз ўша., деб сўрамайсизми?

Мен биламан юрагим сезар,
Ҳайратимга ҳайрат қўшасиз.
Қалбни фақат айрилиқ эзар,
Мен биламан Сиз ҳам ўшасиз!

Сиз ўшасиз тунлари ойдаи,
Ёнингизга имлаб чорлаган.
Сиз ўшасиз қошлари ёйдаи,
Кундузлари кундай порлаган.

Қўлингиздан тутганим йўқ,
Зайнабларни кутганим йўқ,
Мен биламан Сиз ҳам ўшасиз -
Сизни сира унутганим йўқ.

Ҳайратимга ҳайрат қўшасиз,
Ғайратимга ғайрат қўшасиз,
Бир кун мени ўлдириб қўйиб —
Йиғлаб дейсиз : - Сиз ҳам ўшасиз...

Дардларимга дард қўшасизми,
Мен йиғласам Сиз жўшасизми,
Отабекни йиғлатиб кетган —
Кумушгинам Сиз ўшасизми?

ФАЗОЛАРДАН

Ўзни сал-пал четга олгин
 ҳар хил гийбат, низолардан,
Қулоқ солсанг хабар бордир
 фазолардан, фазолардан.

Бул ҳаётнинг ҳикмати шул,
 қабоҳатлар қолмас беиз,
Ёвузлар ҳеч қутулолмас
 жазолардан, жазолардан.

Бу дўппайган қабрларда
 чириб ётар не, не мардлар,
Ибрат олгил, ҳайиқма ҳеч
 қазолардан, қазолардан.

Йироқ юргил, олис кетгин,
 дунё йиғар гофил, кўрлар,
Чорласа ҳам ҳушёр бўлгил,
 казолардан, казолардан.

Йўлларингда учраб турар
 шайтон аҳлин мажлислари,
Йироқ юргил бул фирқага
 аъзолардан, аъзолардан.

Бир кун келиб бошинг эгма,
 бул сўзларим эрмас бежиз,
Қулоқ солсанг сир англайсан
 сазолардан, сазолардан.

1994 йил.

АЙЛАНГАЙДУР

Ёгаётган шул ёмғирлар қорларга айлангайдир,
Аёз урган майсалар хорларга айлангайдур.

Ҳол-жонига қўймаслар муножотни бахшилар,
Ҳилвираган пайчалар торларга айлангайдур.

Мазлумларнинг боғига кўз олайтар мунофиқ,
Пайхон бўлган номуслар орларга айлангайдур.

Арслоннинг ўлигини топаолмас гўр сайёд,
Бургутчалар улғайиб сорларга айлангайдур.

Бошин сила эй, дўст бул ҳорғин гўдакларнинг,
Эрта улар улғайиб норларга айлангайдур.

Деворларнинг ортидан мўралар бўз йигитлар,
Навниҳол қаламқошлар ёрларга айлангайдур.

Оталар боши эгик, Оналар кўнгли нотинч,
Ичда бўғриқққан додлар зорларга айлангайдур.

Мева бермас чинорлар офтобдан тўсар бизни,
Шул озгин, мўрт кўчатлар дорларга айлангайдур!

Келар бир кун ҳур замон, ёришгай нурдан жаҳон,
Йўқларни янчиб борлар., борларга айлангайдир...

1990 йил.



БАҲС АЙЛАМАНГ МАЖНУН БИЛАН

Баҳс айламанг Мажнун билан ул Лайлининг зормандаси,
Ҳақ йўлинда жон берар ҳақ деган ҳар бандаси.

Келса гар, ғам лашкари дод дегай девлар ҳатто,
Ҳар не бўлса чидар фақат Тангрининг зўр бандаси.

Қалби сўқир, аҳли шаҳват лоф урар эрди ишқдан,
Топаолмай ёр изларин чиқдику шармандаси.

Бул сохта ҳожиларга қўл бериб бўлма осий,
Ташна қалбда берсин садо пир Румий чирмандаси.

Ишим йўқ саройларда, юз бурдим дунёсидан,
Эғнимда шоҳ Машрабнинг қўҳна шол жандаси.

Бахт қуши бошинг сийлаб, порласа кулбангда моҳ,
Майдала майни эй, дўст бўлмасин ҳеч кандаси.

Марҳамат этса дилдор, тизгинни бўшат дарҳол,
Шошилмай гулни суғор эй, кўнгил арзандаси.

Май узатса гулюз, чанқаган дилни тузат Ҳамроз,
Беҳиштга йўллар тирик раъногулининг хандаси.

1990 йил



ХАБАР БОРДИР

Эй, дил, агар қулоқ солсанг,
самолардан хабар бордир,
Боқийлик ҳам ўткинчидир,
фанолардан хабар бордир.

Не буюклар ўтиб кетди,
Ҳақ йўлинда чекиб заҳмат.,
Фурқат чеккан азобларда
Синолардан хабар бордир.

Агар, ўғлон мунофиқдир,
қон йиғласа волидаси,
Билиб, билмай қилган гуноҳ,
зинолардан хабар бордир.

Нелар дейди соқов тоғлар,
нелар дейди сой шовуллаб,
Юлдузларга қулоқ солсанг,
имолардан хабар бордир.

Заҳмат ила Расул ўлмас,
ул Оллоҳнинг эҳсонидур.
Жоҳилларга ҳамд айтсанг,
санолардан хабар бордир.

Дов дарахтлар оят айтар
қабрларнинг тепшасинда,
Эй, дил, агар қулоқ солсанг
хабарларда хабар бордир...

14.08.04.

ФАРҒОНАНИ

Булбул гулга термулиб эслади мен ҳайронани,
Кўксимни ёр эй, жарроҳ, кўрурсан вайронани.

Ғазалнинг бели синди, қофия бўлди барбод,
Чарчатиб қўйдик дилдор ишқ деган афсонани.

Ҳофизим отди торин, додлади шўрлик машшоқ,
Шоирим ғамга толди, тополмай ғасонани.

Ошиқлар бўлди ҳайрон, диллари бўлиб вайрон,
Кўрдилар мени мажнун, сен каби мастонани.

Ноинсоф эркан дўстлар бул кўҳна тақдир азал,
Умр ўтди ахтариб ёр чиққан остонани...

Бул вужуд дош беролмас юракнинг исёнига —
Топурман бир кун сени ахтариб Фарғонани.

2001 йил

РАУФ ПАРФИ ЎЗТУРК

Рауф Парфи кетди унинг ортида,
Қолди бизга сермева боғлар.
Рауф Парфи кетди унинг ортидан,
Бошин эгиб йиғлади тоғлар.

Рауф Парфи кетди унинг ортида,
Қолди бизга бир гўзал достон.
Рауф Парфи кетди унинг ортидан —
Йиғлаб қолди она Туркистон.

* * *

Ёдингдаму, сангдиллар қонимга қонган кеча,
Юлдузлар хира тортиб ўзидан тонган кеча.

Барча шод хуррам ўлиб, навбахор айёмида,
Ўз ёғимга қоврилиб, бир ўзим ёнган кеча.

Беҳабарсен, айш этиб, ағёру хунхор билан,
Кўз ёшим халқоб бўлиб, кипригим тўнган кеча.

Бахт жамолин бир кўрсатиб, хўп мурувват айлади,
Маҳрига бир умрлик ғамларим унган кеча.

Май каби ол қонимни шайтонлар шароб айлаб,
Фаришталар иблиснинг кифтига қўнган кеча.

Кулбам ичра зикр этиб маст - аласт дажжолалар,
Дўстларим чертишидан дарвозам тинган кеча.

Бахтиқаролар тангриси бул оғоч таним бутаб,
Қоматимдин дастига ҳассасин йўнган кеча.

Сен дегайсан охири кел, кўзларингда жолалар,
Ҳамроқулнинг хокидин лолалар унган кеча.

1980 йил. Шоҳ Усмон.



* * *

Бу дунё сенга кенг, менга жуда тор.,
Нечун сендан қўрқайин, қўрқадиганим бор!

Оҳ чекар чирик арқон, гижирлайди қўҳна дор,
Кўзларим ёмғур ёғар, сочларимга қўнди қор.

Гар, кулбаси Маккада., муслим ўлмас мунофиқ,
Донишманд санар ўзни ҳаддини билмайди мор.

Бу маддоҳ аҳлинда иймон йўқ., ёзурман дейди Қуръон,
Кўп ёруғдир бу зулматлар, чароғон эрмас ул ғор.

Аҳли одам тупроқдадур қисмати осмонда ҳал,
Бамисли бир балиқдурсен, сувда юрган сувга зор.

Дарёни излаб эрдик дуч келдик қўлмакларга,
Сайрамай қўйди қушим дўст деди душманни ёр.

Ҳеч кими йўқлар эмасмиз, бош урар жойлар бордир,
Ўзига айт, Ўзидан сўр, бўлма энди хорларга хор.

1990 йил.



* * *

Кел, дедим қон йиғладим,
арзима етмас дилдор,
Онгладим бедор ҳолин,
англагай танҳо бедор.

Бул жаҳон дастурида
кўрмишам кўп ишқаллар,
Зулм кўп эркан очунда
бу дунё бемор.

Дарахтлар ҳоли забун
ранг кетмиш чеҳралардан,
Феълимиздан эрур ҳайрон -
Қодир-ул Меъмор!

Йўл сўраб қўйманг яна
адашган йўлчилардан,
Манзиллар чиқди сароб,
қолмади танда мадор.

Бу даврондин умид йўқдур,
не кечгай улус ҳоли,
Соғ қолурми бул етимлар
қулаб тушганда девор?

Фалакни юв, кўзим ёши
ул тоза бўлсин яна,
Ҳаргиз юволмас лек, ани -
қопласа дилни губор.

Ишқ менинг жонимдадир,
на жонимда, қонимдадир,
На бўлгай ул кун жазолар
динидан қайтса диндор?

Кел, эй, дилбар бош эгма,
бу золимларга,
На қилсин бизни жаллод,
ишқ эрур бизим шиор.

Сангга айланди болишлар
ўтказиб тунни беёр,
Сақлайолмай юрак сиррин
шоиринг бўлди беор.

1989 йил

* * *

Бул гўзал чехрага боқ,
унда жаннат ифори бор,
Тарқалур дилдан кадар
ҳар нечаким губори бор.

Аслини сўрсанг анинг,
наслидин чақнар зиё,
Дур сочар лафзи ҳалол,
пок калом ифтори бор.

Юрса гар туфроқ ризо,
лаблари болга ошно,
Ер юзинда тенги йўқ,
хурлардин хуштори бор.

Бул ошуфта жаҳон ичра,
менгзамоқ мушкул они,
Манглайда муҳри қамар,
танглайда чилтори бор.

Зўр илоҳий илҳом ила,
яратмиш Қодир-меъмор,
Қанча хурлар улгу олмиш.,
чорасиз рафтори бор...

* * *

Лолаланда ол яноқлар,
ул янада ол бўлсин,
Лабинг теккан қадаҳларнинг
четларинда бол бўлсин.

Сўзлар бўлсанг дур сочилсин,
гуллар унсин изингдан,
Равон бўлсин йўлларинг
четларинда тол бўлсин.

Фанимларинг ер бўлсин,
сенга таъзим дер бўлсин,
Хоҳи арслон, ҳоҳ лочин,
ҳоҳ кўксида ёл бўлсин.

Ўзинг тирик афсона,
ерда юрган ойдурсан,
Мингта Фарҳод мардикор,
ҳоҳи Рустам Зол бўлсин.

Ошиқларинг тўп қатор,
кўз ёшлари шашқатор,
Гар, сув олса дунёни
сўнгақларим сол бўлсин.

Борим, йўғим бир ўзингга
армуғон этай дилдор,
Сен томондан хуш жавоб
фақат келу, қол., бўлсин.

Лолаланди ол яноқлар,
ул янада ол бўлсин,
Лабинг теккан қадаҳларнинг
лабларида бол бўлсин.

1986й.

СИРЛИ ОЛАМ

Ҳожиакбар Шайховга

Фалакдан элчилар келиб кетдилар,
Замин ҳам сирларнинг бўсағасидир.
Бермунд учбурчаги деган жумбоқ ҳам,
Самовий меҳмонлар қўналғасидир.

Илму-ғайблардан эмасмиз огоҳ,
Тархи бузулмаган инсон ақлининг.
Гагарин кетиб қолган,
Улуғбеклар йўқ -
Бизлар тушунмаймиз улар нақлини.

Таънали термулар кўзимга осмон,
Офтоб чиқаётир, тонг отаётир.
Кимдир ўйлаётир бизларни бул чоғ —
Кимдир олаётир биздан хавотир...

ҚАЧОНГАЧА

Тилимнинг учида бир Сўз турибди,
Оғзимни очсам, бас!..
Тилингнинг учида бир Сўз турибди,
Оғзингни очсанг, бас!..
Мен сенга қарайман,
Сен эса менга. Қачонгача?..
Жим турамиз?
Қачонгача?!

1990 й.

КЎЗЛАРИ КУНДАН ЁРУҒ

Кўзлари кундан ёруғ,
Юзлари ойдан гўзал,
Сочлари тундан қаро,
Сўзлари болдан ширин...

Суртгани мушку анбар,
ё, тоза райҳонмикан,
Кезгани боғу эрам,
соймикан сайхонмикан?
Кўз тикиб согинганим
бедардму ё, вайронмикан!?

Тунлари ойга боқса,
ой шошиб кочган каби,
Кунлари кунга боқса
кун чирой очган каби,
Фунчани беҳол эгар
ёқутдан олроқ лаби...

Мен шўрлик ҳасрат чекиб,
кўп ёниб, суйган эдим,
Кўзларимдан ўт тошиб
қошлари куйган эдим,
Бул жаҳон қайғусини
кўксима қуйган эдим...

Зулфи, рухсорин хаёли
айлади буткул бемор,
Кўз ёшимдан ер селоб,
оҳимдин осмон ғубор -
Ортидан кетди жоним
қолмади танда мадор.

Сўзлари болдан ширин,
сочлари тундан қаро,
Юзлари Ойдан гўзал,
кўзлари кундан ёруғ...

* * *

Кел кулбамга кел эй, дўст,
Бир юракни бўшатайлик.
Ёдга олиб ўтганларни —
Қотган ғамни ушатайлик

Қўшиб ичма андуҳларни,
Пиёлани тўнтариб қўй,
Дўконга чоп Ҳумоюн ҳой,
Тўйдаи бўлсин ахир тўй!

Қўшиб ичма андуҳларни,
Қайғуни қўй қантариб,
Бу дунёга келганмиз-ку,
Бир содиқ дўст ахтариб!

Кел кулбамга кел эй, дўст,
Бир юракни бўшатайлик...

* * *

Кетдилар қайтмас бўлиб,
ўқдай учган камондан.
Юрак йиғлар, соғинар,
жим-житликдир, хабар йўқ -
дўстлар кетган томондан.

13.02.95.

ШАРПА

Худо бир сақлади энди ҳеч қачон,
Бу йўлдан юрмайман четлаб ўтаман.
Йўлимда гужанак ётиб олса ҳам,
Айланиб ўтаман, ҳатлаб ўтаман.

Шу шарпа доимо йўлим пойлайди,
Гоҳо сим қоқади, уйим пойлайди.
Унга нима керак билмасман сира,
Билмасман оғзини кимлар мойлайди.

Гоҳ, юрган йўлимда гавғолар тарқар,
Тинчгина юрсамда игволар тарқар.
Кимнингдир юлдузи кўпаяр яна,
Кимгадир мукофот, совғолар тарқар.

Гоҳо, ишхонада кўраман уни,
Гоҳо, сайёҳ бўлиб қалпоқ кияди.
Билмадим, қайларда ўтказар тунни,
Гоҳо, чўпон бўлиб телпак кияди.

Гоҳо, намоишда кўраман уни,
Нутқлар сўзлайди ҳайрон қоламан.
Баъзан, йўлбошчидай тутади ўзни,
Сесканиб кетаман вайрон қоламан.

Кимнинг қулоғи у кимнинг кўзидир,
Балким, бўридир у, балким кўзидир.
Қодирийни сотган, Чўлпонни отган,
Олчоқ фарзандидир, балким ўзидир?

Сенга бир сўзим бор шарпа қулоқ сол:
Балким, кафандўзсан, балким сен ғассол.
Бизга ҳам осонмас, сенга ҳам қийин —
Мен ҳам чарчаганман, сен ҳам ором ол!

1989 йил.

КАТТА ОДАМ

*«Адолат шамшири» китоби муаллифи
Нурмат Латибжоновга*

Каттахилдай кўринар биров,
Аслида ўзиям, катта одамда.
Одамзотнинг бўлмас катта кичиги,
Бундайлар учрамас ҳар бир қадамда.

Пётр келбат десам ака ранжийди,
Афсус, Алпомишнинг расми қолмаган.
Хуллас, Оврўпани икки ой кезиб,
Эгнига муносиб костюм топмаган.

Йиғилиб қолсаку, улфат жўралар,
«Микрофон»ни бир зум бермайди.
Қанча қизиқчилар, қанча лофчилар,
Оғзига термулиб терлайди...

Гоҳида, соатлаб сукутда қолар,
Хотиржамлик зухур юз ифодасида.
Балки, мард аждодлар руҳи мужассам —
Шундайин инсонлар қиёфасида.

Бир замон юртимга Гдлян келди,
У шу лаҳзада чиқди отилиб...
Рост гап шу ўшанда қур тўкиб юрган,
Анча оғаларим кетди сотилиб.

Саҳар сим қоқади, овози хаста —
—Пойтахтда тинчликми.,
ҳорғин сўрайди.
О, халқим! Бошингга балолар келса,
Шундайин мардларинг доим ярайди.

17.02.95. Андижон.

АДАШГАНМАН

Ёш эдим., кетди Онам,
жон ила талашганман,
Кўзларимдан сув сочиб,
ёмғурга қарашганман.

Гоҳ, ётиб кўча-кўйда
гоҳида кўкда сархуш,
Ҳурларнинг бошин силаб,
сочларин тарашганман.

Дўст унутса, унутолмай,
қанчасига жон бериб,
Қанча итга нон бериб,
дўст дебон ялашганман.

То умр етди бул ён,
падарим кетди қаён!?
Бой бериб бору, йўғим —
арзонга талашганман.

Гоҳи, беклар даврасида
ўғрию, тўғри билан,
Гоҳо, бойлар базмига
ямоқдай ярашганман.

Дунёни кезиб ҳайрон,
тополмай бўлиб вайрон
Кулбамда Ойни кўриб
кўзлари қамашганман.

Бўзлама энди жоним,
сўзлама энди жоним,
Сув сўраб қўлмаклардан
сахрода адашганман.

Маддоҳлар тили бийрон
Муҳаммад кетди қаён?!
Уч-тўрт кун бўлиб улфат —
шеър айтиб синашганман...

Ҳамроқул кездинг жаҳон,
умримиз таранг камон,
Қайдаки, етим кўрсам —
бошларин силашганман...

03.27.04.

МУТЕЪЛИК

Бу одам ўзини маҳбусдай тутар,
Поёнсиз мунг босган кўзини.
Озодликда юрар ҳамма қатори,
Қул деб ҳисоблайди лекин, ўзини.

Хизматга борар у, сира кечикмас,
Секин қараб олар ўнгу сўлига.
Турма нозирига боққандай боқар,
Ишхонанинг тунд қоравулига.

Танҳо қолганида оғир ўй сулар,
Жирканч туюлади ўтмиш ишлари.
Шунда кўзларидан совуқ ўт чақнар,
Ғижирлаб кетади ўткир тишлари.

1984 йил.

АСТА АСТА

Сабр қилгил, сабр эй, дўст,
саодатлар аста аста,
Сабр бирла висол яқин —
саховатлар аста, аста.

Мангу эмас бу зулматлар,
умид этким тонг яқин,
Охир бир кун ёришгайдир,
самовотлар аста, аста.

Бу дунёда тугамайди,
йўқолмайди ҳеч нарса,
Шафоатлар, шижоатлар,
қаноатлар аста, аста.

Фойдаси йўқ кўп ишларнинг
ўйлама ҳеч фойдаси йўқ,
Тузилгайдир, бузулгайдир,
маҳобатлар аста, аста.

Судраламиз ер устинда,
ярмимиз ер остинда,
Ҳимоятлар, ҳидоятлар,
ҳаловатлар аста аста.

Бир бора ўлган яхши,
ҳар куни ўлган ёмон,
Балоғатлар, камолатлар,
салобатлар аста, аста

РАММОЛ ҚИЗ

Ялтиллайди тилло тишлари,
қўлида исириқдони,
Балолардан асрар эмиш
сени, мени, дунёни.

Фоллар очар, берар хабар
келаётган офатдан,
Қалқон эмиш туморчаси
сақлар эмиш кулфатдан.

Умид-ла, боқар унга
пули йўқ мардикорлар,
Бойиб кетар эмиш ҳамма
фош бўлса кирдикорлар.

Лўли синглим содда-қув
ҳамма гапни айтмаяпти,
Гар, қудрати шунча бўлса
нега бойиб кетмаяпти?.

Рангу рўйин сал оқартсанг
пайдо бўлар гўзал пари,
Бунчалар хам сулув бўлмаса —
Самарқанднинг мўлтонилари.

1997 йил.



ВАТАНИМ

Эй, Ватаним сен бизим
бул жаҳонда боримиз,
Боримиз ҳам йўғимиз сен
ғуруримиз, оримиз.

Сендан ўзга тагин не бор
борар бўлсак бош уриб,
Бизда инсон саналгаймиз
Ватан суймак шиоримиз!

Куйсин-у, кул бўлсин,
чиқмасин рангу рўйи,
Агар, сендан тонар бўлса
бирор беғам беоримиз.

Тупроғингдан кўзга суртса
очилгай сўқир кўзи,
Ўрнидан тургай, тузалгай
қон тупирган беморимиз.

Сен деганда зирқирар онг,
кўпиргай томирда қон,
Сен муҳаббат рамзидурсан
ҳам суюк дилдоримиз.

Сени дебон шаҳид ўлсак
ризо кетгай биздан жонлар,
Чин инсондир йўлларингда
қон кечурга тайёримиз.

Не ситамлар кўрмадинг сен,
не жафолар чекмоқдасан,
Пайти етди уйғонмасму
ўшал буюк сардоримиз.

Бу дунёдан илинжим шул,
ўтинчим шул шонга тўлсин,
Хур бўлсин, озод бўлсин
Худо берган диёримиз.

1988 йил

* * *

Сен мени эркала —
Дунёнинг энг гўзал сўзлари билан,
Сен мени эркала,
Сен мени қизғон —
Энг рашкчи аёлнинг кўзлари билан.

Бир сени севдим де, шивирла —
Бул қовжироқ қулоқларимга.
Сен мени қучоқла,
Сен мени ўпгин —
Шарбатдай сингиб кет қучоқларимга.

Фариб бир титроқда вужуд ёнмоқда,
Сен мени қучоқла,
Мени ўп гулим,
Мен ҳаётни севаман жуда —
Мен меҳрга зорман севгилим!



МУҲАММАД ЮСУФ

Шоир кимдир., нари борса катта бола,
Ширин сўзнинг гадойидир, сайёдидир.
Юрагида шоҳ Машрабдан қолган нола,
Шоир асли, бу дунёнинг фарёдидир!

Ҳақ йўлинда гоҳо, шўрлик ёлғон сўзлар,
Ёлғонини фош этади маънос кўзлар,
Шоир кетса замин титрар, осмон бўзлар -
Шоир асли, бу дунёнинг фарёдидир!

Икки дунё бир лаҳзалик ҳаёлидир,
Фоҳиша ҳам ҳаёлида ҳаёлидир,
Бахтсиз аёл шоирларнинг аёлидир —
Шоир асли, бу дунёнинг фарёдидир!

Шеърларида юрак титрар, дук-дук уриб,
Соғман дейди, лабидаги қонни сўриб —
Ажал билан сирлашади тирик туриб.
Шоир асли, бу дунёнинг фарёдидир!

Чечакларнинг сўлишидан хабардордир,
Қиёматлар бўлишидан хабардордир,
Ўзи қачон ўлишидан хабардордир —
Шоир асли, бу дунёнинг фарёдидир!

Бобур каби муҳожирлик туяр эди,
Шеърларини фарзандидай суяр эди,
Шу юрт учун ҳаммадан кўп куяр эди —
Шоир асли, бу дунёнинг фарёдидир!

Дунёларни титратди у соддагина сўзи билан,
Қолганини олиб кетди юрагида ўзи билан,
Термулади Мадинанинг,
Нозиманинг кўзи билан —
Шоир асли, бу дунёнинг фарёдидир!

Қулаб тушди Андижоннинг улкан тоғи,
Ўлдиради энди бизни соғинч доғи,
Юрагимга кириб келди руҳи чоғи —
Шоир асли, бу дунёнинг фарёдидир!

09.01.2004.

* * *

Булоқ сувин келтирди кеча,
Қалай., дея сўрар дўстим содда-қув
Димиққан, намиққан вужудим бўйлаб,
Зорланиб юмалар ул покиза сув.

Кўксим тўла зардоб ғийбат фитнадан,
Сенга юқмасин деб ўшал ғуссадан,
Топ-тоза лабингга тамшаниб туриб,
Ўзимни тияман тотли бўсадан.

Бироз фурсат ўтсин, яна бироз кут,
Саҳар еллар елар далаю, қирга.
Балким, юрагимни чайиб олурман —
Ногоҳон йиғидек келган ёмғирга.

1985 йил.

ҚИСМАТ

Ким олдин, ким кейин дўстларни бир-бир,
Келган жойимизга йўллаб турамиз.
Лек, ҳазрат шайтонга бало ҳам урмас,
Барчамиз авайлаб қўллаб турамиз.

ШОҲ УСМОН МАНЗАРАЛАРИ

Одамизот олиб келган табиатдан ҳиссасини,
Қишлоғимга қарайман яйдоқ, ёрғоқ қирларга.
Бир марта йўқотармиш кўрлар ҳам ҳассасини —
Мудом ҳасса етишмас бул бизим сўқирларга.

Маҳобатли кўҳна мачит бўлар эди бир маҳал,
Бугун эса ундан қолган бир уюм, қуму-тупроқ.
Тегирмон ўрнидачи, уя қургандир шоқол,
Бунда билмам «қарчиғай» ё, қарға хизмати кўпроқ?

Чўнг қирларга тутошган зилол белбоғ мисоли,
Қишлоғимнинг жон томири ариқлар ҳам қуриган.
Маман ботир тирилса гар, жамлайолмай хаёлин,
Дер эдики: - ҳеч шубҳасиз қишлоққа ёв дориган.

Қизил отнинг донгин ёйган полвонлар олис кетган,
Мактаб қурган «Дом бобо»син тан олмайди болалар.
Қишлоғимнинг овозаси кафказу, чеченга етган..,
Ёнгиндан сўнг., тоғларни ҳам тарк этгандир лолалар.

Иримга бир ҳушёр йўқ узун қиш тунларида,
Қўлбола ароқ, носвой, вино, уч тузу., гаштакчилик...
Бор омонат мактабимиз нураган шу кунларда,
На дурадгор, на темирчи, на қолди каштачилик.

Сигирларни оқизгувчи сойларим кетди қаён,
Қани менинг ҳовуларим, зогора балиқлар қани?
Мансур бўла йилқи қани., қўра тўла бий, чаён,
Узунбулоқ, Қурсойларим, чўпону-чўлиқлар қани?

Овчи Ўроз авлодин қуш отмоққа келмас ҳоли,
Бир-бирининг гўштин ер., алп келбат юз ўғиллари.
Нос отганча ўй сураар урганжи, соллот аҳли,
Қани элнинг Шарифи, Хўжагелди, Тўғиллари?!

Элимизда кайвони йўқ., ўкинар момом бот-бот,
Доно Тўлиш ўгитларин тингламадик тиригида.
Не ўй билан банд эрур бул кун ака Холмурот —
Орият деб ўкинади у ҳам элнинг йиригида.

Қани, Асқар отам экиб кетган узумзор боғлар,
Райҳон исли шароб тўла сопол хумдонлар қани?
Суворийсиз тулпор каби қунишар бахил тоғлар —
Ул достончи Жавҳар энам, кумуш шамдонлар қани?!

Ойлаботдан офтоб порлар, четлаб ўтмас бизларни ҳам,
Юртнинг ярми кўчиб кетди катта бойлик топамиз деб.
Ўзимиздан баттарларга узатганмиз қизларни ҳам,
Сочу соқол оқардику айбларин ёпамиз деб!

Кўпкарисиз тўйлар ўтмас ароқлар булоқ-булоқ,
Масту аласт чавондозлар талашади улоққа.
Сархуш кўёв кайф усти келинга берар талоқ.,
Хотинларнинг қарғиши чалинади қулоққа...

Кўзи кўкарган меҳмонини кузатар тонгда мезбон,
Бош оғриқ дорисини излар яна наҳорга.
Кўшни овулларни айлашиб буткул яксон,
Чапанилар муштлашгани жўнашади шаҳарга.

Олтибекнинг билгани шу ярашади уришиб,
Энг содиқ дўстларини жанг маҳал танлашади.
Юз кўрмас оғайнилар ёв келганда ярашиб,
Барчаси галалашиб бўридай талашади.

Қора ботир, Гала ботир боболар ўтиб кетди,
Сўлим боғлар, серсув сойлар, тоғ қани, тошлоқ қани?
Ҳар ҳолда боболардан нелардир қолган эди —
Болаларга не деймиз қариндош қишлоқ қани?!

2001 йил. Шоҳ Усмон - Тошкент.

САМАРҚАНД

Бу шаҳарни Самарқанд дерлар,
Нур ёғилар осмонларидан,
Дунё ҳануз баҳра олгайдир-
Ўтган буюк инсонларидан.

Ғазал ўқиб фол кўрар раммол,
Ўғриси ҳам бисмилло дейди.
Сипо тортиб қолгайдир дарҳол,
Регистонни айланган дайди.

Темур бобом тартибга олган,
Бунда туриб ярим дунёни.
Кимки келса абадий қолган,
Ватан топган, топган зиёни.

Бу юрт хорлик кўрмасин дея,
Расул Донёл ҳушёр турипти.
Балолардан айлаб ҳимоя,
Не-не пирлар макон қурипти.

Тепасидан шошилиб ўтмай,
Ҳатто, Офтоб олгайдир ҳордиқ.
Танти Ҳофиз қадрига етмай,
Бир хол учун айлаган тортиқ.

Фозилларни роса ўйлатган,
Турон элин номус оридир.
Самарқандни кўкка бўйлатган,
У Улуғбек намудоридир.

Салжуқ бобом ёвқур, тошбадан,
От солганди денгиз ортига.
Куни кеча Қустанантиядан —
Навкар қайтди бобо юртига.

Соқов тоғлар турар қўрғалаб,
Шундоқ турар то омин маҳшар.

Қора, жасур акалар ичра —
Сулув қиздай улғайган шаҳар.

Таровати бамисли болдай,
Хаёлингни селдай қалқитгай.
У санамнинг юзида холдай,
Ярашгандир Ерга ёқутдай.

Мадҳ этсаму куйласам осон,
Бамисоли, юганлик отдай.
Қовоқ уюб., жилмаяр осмон,
Донишманд йўқ самовотдай.

Қасиданга зор эмас шоир,
Мақтовлардан қулоғи битган.
Ҳиндистонни олганда Бобир,
Самарқанд.., деб тожин итқитган.

Рожа Капур кийиб тўн, дўппи,
Сайёҳлиги қолди ярашмай.
Қонидаги боболар руҳи,
Йўл кўрсатди сира адашмай.

Туни бўйи мўлтон қизчалар,
Тумор ясар маҳорат билан.
Самарқандни соғинсанг агар,
Тонгда келгин таҳорат билан.

Минг бор қулаб, минг бор тикланар,
Алп Эр Тўнга, шоҳ Аббос бўлиб.
Гоҳи ерда, кўкда шакланар —
Зарафшоним оқади тўлиб.

Бу шаҳарни Самарқанд дерлар,
Нур ёғилар осмонларидан...

2004 йил. Августъ

ТАНИШ ҲАСРАТЛАР

Хайр сенга гўзал хонадон,
Учрашмасмиз энди биз қайтиб,
Феълени сал кенгишроқ қилсин,
Соҳибингга қўйгинда айтиб.

Уч-тўрт майда ифвогар деб
Бузулмаску дўстлик ҳам,
Агар сабаб бўлса ароқ -
Қуриб кетсин мастлик ҳам.

Бугун эса ўртада жар
Орамизда Ханжар бор,
(Уйда эса пул сўровчи
хотин деган аждар бор...)

Ўша тунда сархуш эдик,
Кўпроқ бўлган «ош»имиз,
Ўша тунда бош ёрилиб
Йиртилгандир қошимиз...

Йигитликда нелар бўлмас,
Омон қолди жонимиз,
Биз ҳам қараб турмадикда,
Қайнаб туркман қонимиз.

Бу дунёда ҳикматлар кўп,
Хўкиз ишлар., от ейди,
Ора йўлда қолиб зўрлар —
Ҳақ васлига етар дайди.

Молу-дунё кўп келдию,
Қўл очикда ушлолмадик.
Шу сабабли кўп дўстларнинг —
Кўнгилларин хушлолмадик.

Отам шоир эмас эди,
Лекин, озроқ ичар эди.
Пули бўлса қизганмасди
Аямасдан сочар эди.

От ўрнини той босгандек,
Тақдирдан ҳеч қочолмайсан.
Хувулласа чўнтак қурғур,
Улфатларга сочолмайсан.

Шеърмас, дoston ёзсак ҳамки,
Бул ҳасратлар бўлмас адо,
Айирмасин дўстлардан ҳеч,
Ҳалолидан берсин худо.

Хайр сенга гўзал хонадон,
Мен ҳақингни тўлолмадим.
Кўп урундим етишай деб,
Лекин, эганг бўлолмадим.

Самарқанд — 1999 йил.

СЕЗМАЙСАН...

Сезмайсан пойингда боғларим пайҳон,
Яна атрофингда бир тўда ҳайвон.
Тоза гулларингдан тухфа қил дейсан —
Нафасинг етди-ю, ўлдику райҳон.



ҲУМОЮН БИЛАН ҚИШЛОҚҚА САФАР

Тошкандан чиқдик болам,
Шеър ёзайлик ол қалам.
Вагонларнинг подаси —
Эшалон кўриниб қолди.

Чиноздан ўтдик мана
Бул ариқмас Сирдарё,
Туманлар тарқаб ана —
Полопон кўриниб қолди.

Уруш-пуруш бўлган йўқ
Кўзларингни қилма лўқ,
Элим, юртим, рўзгорим деб —
Йўлпосбон кўриниб қолди.

Фофур бобонг доно бўлган
Элни ўйлаб эрта ўлган,
Бошин қашлар тарих бобой —
Туркистон кўриниб қолди.

Кўнгилни кенг қилсанг агар,
Жиззахинг ҳам катта шаҳар.
Шароф отанг униб ўсган —
Шаҳристон кўриниб қолди.

Рулга тегма ёнимдан қоч
Кўзларингни дуога оч,
Қара, йўлнинг четларинда —
Қабристон кўриниб қолди.

Узунлашиб Нил бўп кетган,
Балиқлари фил бўп кетган,
Чайқалади Ҳайдар кўли -
Шўр уммон кўриниб қолди.

Бу водийлар гўё хориж
Темур бобонг деган «Париж»,
Қиз учгандан боқсанг Ҳирот —
Покистон кўриниб қолди.

Илон измас жуда равон,
Дунёдаги буюк довон.,
Ота уйга етиб келдик —
Шоҳ Усмон кўриниб қолди.

1996 йил, 17 март
Тошкент-Фориш-Шоҳ Усмон

ҲУҚУҚШУНОС ДЎСТИМГА

Қадимда боболар одил,
Ўғриларга бераркан жазо.
Бармоқларин кесаркан аввал,
Этишаркан эл аро сазо.

Гоҳ, ўйлайман мана шу қонун
Жорий бўлса бизда ҳам илқис.
Бармоғидан ажрарди кимдир —
Қолар эди қанчаси қўлсиз.

Шундай бўлсин дейману бир зум,
Қўлларимга қарайман ғамгин.
Юрагимни ваҳима босар —
Бармоқларим зирқирар секин...

1984 йил.

ТАРАДДУД

Шукур Содиқга

Кексалик бостириб келди беомон,
Ёшликнинг бетимсол бўстонларига.
Мен сени ҳамиша ошно этаман,
Қалбимнинг энг гўзал достонларига!

Сув бўлиб сочилдим, нурга қовушдим,
Ёлғонлардан безиб ҳориб, толдимку.
Фалакларни бузди хаста товушим,
Юрагим боламдай йиғлаб қолдику!

Қалқисам ёвларим сафланиб қочди,
Қонлари сачради отим сағрига.
Нотаниш дунёлар бағрини очди,
Нотаниш диёрлар чорлар бағрига...

Шу кунлар бамисли қанотсиз қушман,
Талпинсам изиллаб қочар манзиллар.
Зимистон қўйнида гоҳо беҳушман,
Деразам ортида бўрон изиллар.

Бир кеча.,
бошимга қировлар қўнди,
Юрагимга кўчди кўкда юлдузим.
Кўнгил гулбоғлари саҳрога дўнди,
Ҳатто, қорда юрсам қолмайди изим...

Кексалик бостириб келар беомон,
Ёшликнинг бетимсол бўстонларига...

1996 йил

ТЎХТАНГ

Бу дунёнинг зўрлари тўхтанг,
Очинг офтоб кўзларингизни.
Не бўлса ҳам баланд олмангиз,
Яратгандан ўзларингизни.

У дунёни эслаб қўйингиз,
Мазлумларни эзган пайтингиз.
Мозорларга қараб қўйингиз,
Бозорларни кезган пайтингиз.

Зулматларга юз бурган замон,
Борлиқ гўё, бир кекса бетоб.
Хира шамдек ожиз, нотовон,
Фалакларни ёритган офтоб.

Қанча тансиқ неъматлари бор,
Бу оламнинг гўзал боғида.
Султонлар ҳам зор-зор йиғлаган,
У дунёга кетар чоғида.

Не буюклар ўтиб кетдику,
Яхши ёмон номи қолдида.
Ёлғон эмас бор ҳақиқат шу,
Инсон ожиз ўлим олдида.

Бу дунёнинг зўрлари тўхтанг,
Мазлумларни эзар пайтингиз.
Мозорларга қараб қўйингиз,
Бозорларни кезар пайтингиз.

12.0704.

ОТА

Кеча туш кўрибман укам Олимжон,
Олма келтирибди оҳ, бирам тотли.
Боғ ёдимга тушди отамдан қолган,
Юракни чулғади армон қанотли...

Кеча отам кезиб мана шул боғда,
Машғул эди не кам кўстлари билан.
Дастурхон тузатиб кун ботар чоғда,
Жиндай “отишарди” дўстлари билан.

Машраб ўқиб хушҳол кутарди тонгни,
Шу боғ тўридаги сим каловатда.
Таваллуд кунлари Соҳибқироннинг,
Бир қўй сўйдирарди саҳар албатта.

Тирик тарих эди аслида бобой,
Ватан тарихини мукаммал билган.
Ҳамсуҳбат бўлганми дейсиз ҳойноҳой,
Фитрату, Қодирий, Чўлпонлар билан.

“Ўткан кунлар”нику қўлдан қўймасди,
Газит ўқимасдан ичмас эди чой.
Яқин сирдошидай бўлиб қолганди,
Тунлар суҳбатдоши Тагоръ, Толстой...

Зерикиб қолганда Тошкан жўнарди,
Юракда асраган минг гапи билан.
“Ижод” қилишарди турфа жанрда,
Гоҳо, Одил ака, гоҳ Парпи., билан.

Ҳазил, аскияни қийиб қўярди,
Қачонки, эсласак юрак яшнайти.
Ҳозир ҳам қишлоқнинг тўқсон фоизи,
У қўйган таҳаллус билан яшайди.

Сира ториққанмас бирор нарсдан,
Ориятни ўйлаб ўкинар эди.
Калтабин раҳбарлар жигига тегса,
Сира аямасдан сўкинар эди.

Баъзида жим қолиб, ўйга ботарди,
Имкони борича қиларди эҳсон.
Шароб ичар эди, нос ҳам отарди,
Лекин, юрагида эди мусулмон.

Номоз ўқимасди, китоб ёзмаган,
Оддий одам эди, даҳо демасман.
Ва лекин, мен унинг бирон даврада,
Гапин олдирганин кўрган эмасман.

Бул кун фурсат ўтиб англадим яна,
Бир мустар соғинчда титрар баданим.
Дилдаги орзуси эди ягона —
Чинакам ҳурликка етса Ватаним!

Ҳар ҳолда падарим беармон кетди,
Димоғи чоғ эди саҳар, нур олди:
- Бу ёруғ кунларга етишдик болам,
Энди қора кунлар орқада қолди...

Гўёки, тақдирин кўриб тургандек,
Узоқ яшамайман дер эди шўрлик.
Онадан эртароқ етим қолгандик,
Энди ғирт етиммиз мукамал хўрлик!

Кўнгил сўрар баъзан кампирлар, чоллар:
- Бошқача эдида отанг жудаям.,
Бирон бир сир борки, озор бермасдан,
Уйқусида олди жонин худоям...

Улкан мерос қолди отадан танти,
Юракларга сингган пок самимиятда.
Бошга келган ғамга чидаш санъати,
Кулиб яшамоқлик ҳар вазиятда.

Ёруғ хотиралар меросдир яна,
Эсласам тунлари ёришар кўнглим.
Қачонки, қалбингни қайғулар эзса —
Бобойнинг ҳақиға дуо қил синглим!

МАЪНАВИЯТЧИЛАРГА

Саратон чилласида
кетмай салқин жойларга,
Ёлборасиз ёрдам сўраб
раҳбарларга, бойларга.

Ўтди Фитрат, Чўлпонлар
Ватаним деб боғлаб бел,
Ўшал замон раҳбарларин
эсламайди бугун эл.

Қовоқ уяр ҳокимлар
тинглагиси келмайди,
Оч боланинг ҳолини
тўқ болалар билмайди.

Йўғалади Рауф Парфи
Хақ йўлидан толмайди,
Кўзи тирик Усмонлардан
ҳеч ким хабар олмайди.

Биз биландир Қодирий
бирга қадам ташлайди,
Адабиёт, маънавият —
сизларсиз ҳам яшайди.

Оқ қоғозни қоралайсиз
имкон кўпда қўлингизда,
Ватан., дея оҳ чекасиз
дилингизмас, тилингизда.

Етмиш йилки бор йўғимиз
еб битирди шўролар,
Замон келди бек бўлинг
уйғонинг эй, тўралар.

Замон келди ўзлигини
таниб олди халқимиз,
Сиз етишган имконларда
бордир бизнинг хаққимиз.

«Ҳезби таҳрир», «Ваҳҳобий»,
инсоф берса қанийди,
Ғофил бўлсак болалармас
хотинлар ҳам айнийди.

Ўз уйига ўт қуйиб,
исинганлар хоиндир,
Чорлаганда она Ватан
Пусинганлар хоиндир.

Ўз виждонин каламушдай
кемирганлар хоиндир,
Мазлумларнинг ҳаққин еб
семирганлар хоиндир.

Айтаверсам осмонлар ҳам
тор келади ноламга,
Кўзларимга ёш келади
қараб туриб боламга.

Оҳлар чексак узлатда
оқ олмалар пишмайди,
Ичимиздан чиқар хоин
у осмондан тушмайди.

Қўлингизда ваколат,
ҳур Ватаннинг фармони.
Айтинг, қачон ушалади —
ўзбегимнинг армони!

2000 йил.Самарқанд

ОЛМАЛАР

*Бу бир афсона лекин, тагида
хазина қўриган аждаҳо каби
пинак отиб ётар ҳақиқат...*

Тавротда афсона бор.,
бир олма учун —
Жаннатдан бадарға бўлганмиш одам...
(Қанчалар серкарам бўлмасин, шунча
нафратга қодирдир Яратган эгам.)

Худо тўғри қилган тартиб бузарлар —
Ҳар жойда, ҳар доим, кони зарардир.
Бугун Одам бузса, эртага Раҳмон
Қараб турибсизки жаннат бозордир.

Қувғинга учраган Одам отамиз,
Ноилож, бепаноҳ, қолди мунғайиб.
Шундан сўнг ерда ҳам сонсиз саноқсиз,
Олма деганлари кетди кўпайиб.

Қуш ҳам уясида кўрганин қилар,
Севамиз, барчамиз Одам Атони.
Бизлар, одамчалар, баҳоли қудрат,
Такрорлаб турамиз ўша хатони.

Балки, аҳли жаннат унча сезмаган,
Олмада не лаззат яшринлигини.
Биз бугун биламиз, биламиз ҳатто,
Ўғирлик олмалар ширинлигини.

Замон тинч, сероблик, одам қўли гул,
Олмалар етилиб, таранг пишмоқда.
Онаси қорнидан ҳар бир одамча -
Олма деб, олма деб, о., деб тушмоқда.

Тангри жазоларин унутди одам,
Ақл расо ё, фаҳми кечлиги учун.
Қўрқаман, қувмасми одамни Худо —
Ердан ҳам олмага ўчлиги учун.

1981 йил.

БЕҲАЁ ИЛОН

Бир нокас чўмилса илон кирипти,
Нокас ҳам одамда ичи ирипти.

Боласи, чақаси югуриб чопиб,
Бир ҳинду табибни келипти топиб.

Табиб найин чалса илон чиқармиш,
Куй тинса бошини қайтиб тиқармиш...

Куй тинса илонча қалқиб қўярмиш,
Заҳри бўлмаса ҳам чақиб қўярмиш.

Қайта чал дер эмиш ҳиндуга нокас,
Қовоғин уярмиш тўхтаса бир пас.

Ҳинду кетай деса оғринар эмиш,
Яна мусиқани соғинар эмиш.

Кун бўйи най чалиб ҳинду ҳорипти,
Ҳатто, лабларига учуқ дорипти.

Бу илон беҳаё., нетаман депти,
Найимни олақол, кетаман депти...

ИЛТИЖО

Биз кимнинг юртига бостириб кирдик,
Бизлар тортиб олдик кимнинг нонини?
Биз кимнинг уйига жойлашиб олиб,
Зулукдай сўряпмиз унинг қонини,
Нега жазолайсан бизни худойим?!

Биз кимнинг боғларин қатағон этдик,
Пахта эк дедикми ўрмонларингга?
Қонунлар чиқариб ҳар кун бетайин,
Амал қил дедикми фармонларимга —
Нега жазолайсан бизни худойим?!

Бирон-бир миллатни камситдикми ё,
Бадарға этдикми Ота юртидан.
Биронта акани укага қайраб,
Иғво тарқатдикми улар ортидан —
Нега жазолайсан бизни худойим?!

Биз қайси миллатнинг буюк эрларин,
Авахтага тикдик, қатли-ом этдик?
Биз кимнинг ёзувин ўзгартиб такрор,
Китобларин ёқдик, ҳам авом этдик —
Нега жазолайсан бизни худойим?!

Кимнинг денгизини қуритдик бизлар,
Заҳарга тўлдирдик ҳаволарини?
Кимнинг мушугини пишт дедик ўзи,
Жаллод атадикми боболарини —
Нега жазолайсан бизни худойим?.

Бизнинг дастимиздан мазлумлар зор-зор,
Кутиб яшадими қабулимизни?
Кимнинг мачитига ўт қўйдик бизлар,
Хочга михладикми расулимизни
Нега жазолайсан бизни худойим?!

1985 йил

КЎҲНА ЎГИТЛАР

1.

Катта ёлгон қошида,
Лолдир доим кичиги.
Бойнинг ўгли гапирсин,
Хурсин зўрнинг кучуги.

Бош кўтармай жимгина,
Қилавергин ишингни.
Қон туфлама, жилмайгин,
Синдирса ҳам тишингни.

Қорни тўққа ёқмайди,
Қорни очнинг ноласи.
Баланд дорни тинч қўйгин,
Эй, қашшоқнинг боласи!

2.

Яшадилар ўлиб, тирилиб,
шукур дея момоларимиз.
Ишладилар ўлиб, тирилиб,
шукур дея боболаримиз.

Яшаяпмиз ўлиб, тирилиб,
кўкка сифмас ноаларимиз,
Ишлайдилар ўлиб тирилиб
бизлардан сўнг болаларимиз...

1982 йил



СОҒИНЧ

Шоҳ Усмоним ота юртим,
Қирларни соғиндимку,
Қирларда қолиб кетган
Сирларни соғиндимку!

Дўстлик асли ҳикматдир,
Дўст дийдори жаннатдир,
Ҳасан ота, Шоҳ Усмон ота –
Пирларни соғиндимку!

Холиғи, Хайрулласи,
Ёлғоши, Нурпилласи.,
Манглайимга отилган –
Бўрларни соғиндимку!

Кўпкарисиз, улоқсиз,
Яшайолмас олтибек.
Сирож деган чавандоз -
Зўрларни соғиндимку!

Қиш тунлари гаштаклар
Қизимайди ўшаксиз,
Саъдулла, Кўбай деган –
Ўрларни соғиндимку!

Оҳ, бу Ўлмас ароғи,
Тугамайди чанқоғи,
«Свараю», «Уч туз»лар –
«Мир»ларни соғиндимку!

Дунёни хўп айландик,
Сўнг бирига бойландик,
Овулим гўзаллари –
Хурларни соғиндимку!

Ҳей, чапани туркманим,
Овчи Ўроз, Юзбойим –
Тўй тугамай бошланган –
«Ур»ларни соғиндимку!

Отам боғин кезаман,
Кимдир кезар сезаман,
Отам айтар ҳе, онангни –
Дерларни соғиндимку!

Тўйлар бўлсин тўйдаин,
Ҳамроқул ҳам шоирми,
Амир акам ўқиган –
Шеърларни соғиндимку!

2000 йил.

АЗИЗ

Саодат, саховат рамзи бўлган зот,
Азиз бўлиб келган дунёга азиз.
Лиммо-лим юракда меҳру-қаноат,
Инсонлик шаънини шарафлар насли.
Мурувват бобида Ҳотамтой ҳам мот,
Боболар шавкатин этган сарбаланд.
Осмонга кўтариб айлаган қутлуғ,
Йироқ ўлкаларда тан олинган мард.
Асл инсонларни қўлловчи улуғ,
Кўрмасин дунёда ғам-ғусса ҳаргиз –
Азиз бўлиб келган дунёга азиз!

ДЕҲҚОНБОБОНИНГ АРЗИ

Товонларим ёрилгандир.
Қақшайди бел, бўғинлар.
Аёлим ҳам яримжондир,
Рамақижон ўғиллар.

Алпомиш деб., ёзипти,
Оҳ, уятдан ўлдимку,
Кампиримни Барчиной деб.,
Элга кулгу бўлдимку.

Сарой депти кулбамизни,
Кўринг ана нураяпти.
Томда ҳатто шифер йўқ,
Болалар қор кураяпти.

Бойчибарга бало борми,
Оғилда қўй, хўтик йўқ.
Тўрт ўғилда йиртиқ калиш,
Ҳатто, бутун этик йўқ.

Оқ-поқидан урганми ё,
Олиб қочган жўшиб ёзган.
Ҳазиллашган чоғи бола,
Анча гапни қўшиб ёзган.

Илмини ҳеч аямапти,
Лофни роса дўндирипти.
(Бало экан жа, ўзиям -
Раисдан ҳам ундирипти...)

Илтимос шу мухбирбоши,
Бир юборинг шу болани.
«Бойчибар»га мингаштириб,
Кўрсатайлик далани.

Бошқасимас ўзи келсин,
Унга жиндай арзим бор.
Гонарарни ола келсин,
Хўжаликдан қарзим бор.

* * *

Келганида фасли қаҳратон,
Соғингаймиз баҳор дийдорин.
Ўқ учганда мўлжалга томон,
Эшитгаймиз оҳунинг зорин.

Қилсак қачон самога парвоз,
Ер ҳақида тинмай ўйлаймиз.
Ер ташвиши қийнаса бироз,
Унга кўкдан нажот излаймиз.

Гоҳ, сабримга етгандай тўзим,
Узилгандай бўлар дастларим.
Сизларни билмадим мен ўзим,
Меҳрга зордирман дўстларим.

1985 йил

ТИЛАК

Олимжонга

Яхши фарзандлар-ла доим укажон,
Оналар юксакдир, пок сақлар жонни.
Сенинг номингни ҳам кўшиб айтсинлар —
Кимки сўрар бўлса Ўзбекистонни!

1981 йил

ШУҲРАТПАРАСТГА

Шеър ёзишдан осони йўқдир,
Савод бўлса янада яхши.
Бўлмаса ҳам ўртама бағир,
Оқинлик қил, яъни бўл бахши.

Аҳли қалам юртпарвар бўлур,
Аввал, авом кўнглини хушла.
«Халқим.» дея бир икки оҳ ур,
«Болангман.» деб кўксингга мушла.

Бу жабҳада бош омил қарсак,
Узун бўлсин десанг дастларинг,
Катта-кичик йиғинда бешак —
Қарсак чалиб турсин дўстларинг.

Номдор бўлгил, хоҳ яхши ёмон,
Улуғларнинг номидан гапир.
Буюк деса кимни оломон,
Сен ўшани мўлжаллаб тупур!

Гар, халойиқ қилса галаён
Миллатим., деб бошла маъруза.
Бутун бошли халқнинг номидан —
Имзо тўпла, ёздир ариза.

Солмасалар назмингга қулоқ,
Баъзан шундай бўлиши тайин.
Парво қилма кўплаб улуғлар —
Машҳур бўлар ўлгандан кейин.

1995 йил.

ХУДО ТАЪҚИҚЛАГАН ИШЛАР

Худо таъқиқлаган ичма деб шароб,
Биз бўлсак ичяпмиз бўлгунча хароб.

Қимор ўйнама дер бизга тангримиз,
Қиморга тикилган бизнинг умримиз.

Номаҳрамга юрма дер, қолма иснодда,
Номаҳрам қолдими бу кофирободда.

Оллоҳ чўчқа гўштин дегандир ҳаром,
Бизда-чи, чўчқага зўрдир эҳтиром.

Яна, Тангрим айтар қилма ўгрилик,
Зеро, лаънатланар бизда тўгрилик.

Одам ўлдирма дер ҳеч қачон бандам,
Бизда кушандадир одамга одам.

Бир, бир санайверсам етмагай дармон,
Гуноҳ қилмоқликдан қолмади армон.

Шундоқ ўтаяпмиз вазифамизни,
Дўзах деб ёзганмиз васиқамизни.

12.04.84.



СИРЛАР

Бу сир очилмасин бу сир очилса —
мўйсафид тоғларни тер босиб,
йўлини терс солар шамоллар,
изиллар овозсиз нолалар.

Бу сир очилмасин
бу сир очилса,
Оталар юзига терс қараб,
дахрийга айланар болалар...

Кўзлардаги ўтдан қорачуқ куйиб,
ёндиарар кипригу, қошларни.
Тарих дўнгалаги ортга айланиб -
мажақлаб ташлайди олтин бошларни.

Бу сир очилмасин бу сир очилса —
кунпоякун бўлар қасрлар,
қабрларда исён бошланиб
ердан кўкка қараб чақар чақинлар.

Бу сир очилмасин бу сир очилса,
лаҳзага айланар асрлар
Тангрига бўйсунмай қўйган
иблис-фаришта -
офтоб панасида салқинлар.

Бу сир очилмасин бу сир очилса-
қора кияр серюлдуз осмон
қиёмат қўпади камида
милён, милён йиллар қўкатлар унмас
тутунлар бурқсиган заминда.

Бу сир очилмасин бу сир очилса —
обрўси қолмайди қолган сирларнинг...

1990 йил.

ЭРКИН

Э.Т. Йўлдошевга

Озодликка уйқаш исмингнинг ўзи,
Дўстлар кўнгли обод меҳрингга қониб.
Ҳар сатринг пурмаъно донишманд сўзи,
Ҳаётни севасан қуйлайсан ёниб.

Падаринг исмингни қўймиш Эркин деб,
Ватан истиқлолин соғинган дамлар.
Оғзингга термулар нима деркин деб,
Турфа хил қисматли ҳар хил одамлар.

Элга хизмат бурчи сингмиш қонингга,
Юрагинг муҳаббат, меҳрга ошён.
Пок ҳислар эш бўлиб доим жонингга —
Фарзандлар руҳида бўлсин намаён!

Тилагим, дўстгинам соғу-омон бўл,
Шул бокира қалб, бардошинг билан.
Дунёнинг сўнгига етил бемалол —
Тангрим қовуштирган сирдошинг билан.

2000 йил. Гулистон.



ОМАДСИЗ

Қай ишга қўл урар бўлса,
ранги ўча бошлар ўша соҳанинг.

Боғбон бўлди бир ғаройиб боғ..,
кундага айланди шўрлик дов-дарахт.

Илмга урганди ўзини —
ҳисобдан адашиб шўрлик рақамлар,
минг билан милённинг фарқи қолмади!

Сал-пал тижоратга уринган эди,
Дарҳол —
пуллар қадрсизланиб,
мозорга ўхшаб қолди бозорлар

Жиндай мухбирликни касб этган эди,
нархи ошиб кетди қоғознинг.

Шеърят боғига узатганди қўл —
дод солиб йиғлади қофия шўрлик,
оёғига сув тушиб илҳом тулпорин,
очдан ўлаёзди аҳли қаламқаш.

Шунчаки қўл силкиб сўрашган эди,
кеча эшитдимки, ишдан кетибди
ўша шўрлик вазир ошнаси.

Энди ҳамма уни танийди,
у юрганда ҳаракат тўхтар,
хувиллаб қолади кўчалар.

Тоғлар кўрқа, писа термулар -
ногоҳ у суянса,
кичик бир тошга айланиб,
қўлмакка дўнишдан чўчир дарёлар...

1990 йил.

ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМГА

*Қиёматлик оғам, дўстпарвар инсон
Баҳриддин Рахимов хотирасига*

Мени кучоғида улғайтган қишлоқ,
Сендан олганим кўп., қарзим каттадир.
Товонларим тегиб чатнаган тошлоқ,
Шу азиз тупроқлар менга отадир.

Қарзим узолмадим Онажонимдан,
Отамдан қарзимни ёполмай колдим.
Бу сархуш кўзларим очилгани дам,
Уларнинг изларин тополмай қолдим.

Оғир дамларингда бел туролмадим,
Узрим қабул этгин мунглиғ синфдош.
Олисларда тентиб эл бўлолмадим,
Дайди шоирингни кечир қариндош.

Сендан ҳам қарзим кўп кўҳна қабристон,
Кимлардир ёнингдан чўчиб ўтибди.
Кичик қишлоғимдан қанчалар инсон,
Сокин оғушинга кўчиб ўтибди.

Умр ўтаверар, шу ҳаёт тотли,
Тонглар отаверар офтоби балқиб.
Қадрдон дўстларнинг қутлуғдир ёди,
Кўзёшлар келади ичимдан қалқиб.

Тўю, ҳашамларда тилаклар айтай,
Яхши кунинг кўриб яшнайти дилим.
Ўғил тўйларингда чой ташиб юрай —
Мотамли кунингни кўрмайин элим.

2003 йил. Шоҳ Усмон

ҲЕЧ КИМНИНГ БОЛАСИ ЎЛМАСИН

Майли қиш эртароқ, баҳор кеч келсин,
Лекин, бирор чечак бевақт сўлмасин,
Майлига тоғлардан совуқ ел елсин —
Ҳеч кимнинг боласи ўлмасин.

Майли замин титраб, осмон йиғласин,
Ошиқлар ҳасратда кўксин тигласин,
Ташвишлар замини, ерга сигмасин —
Ҳеч кимнинг боласи ўлмасин.

Боласи ўлганнинг ноласи оғир,
Кўзларидан сизган жоласи оғир,
Бу қайғунинг юки, моласи оғир —
Ҳеч кимнинг боласи ўлмасин.

Булутлар тарқаса офтоб балққайдир,
Дарёлар қуриса яна оққайдир,
Фарзанд доғи тирик гўрга тикқайдир —
Ҳеч кимнинг боласи ўлмасин!

1999 йил.

* * *

Ўткинчи дер эди дунёни отам,
Ёлғончи дер эди дунёни отам.
Шунча йил яшабман ҳою-ҳавасда,
Отам ўгитига солмасдан қулоқ.

Худо раҳмат қилгур,
О, гўри нурга тўлгур,
Ҳақ экан отам!

Ўткинчи экан дунё,
Ёлғончи экан дунё,
Ғирт ёлғон экан!

ТҮРТЛИКЛАР

Кўзинг очиқ бўлса ташла кўрликни,
Ризқу-рўз деб билма зўрлик, хўрликни.
Энди ичингдаги кишанларни уз —
Агар, озод бўлсанг касб эт ҳурликни.

* * *

Севги шаробига қонсак қонайлик,
Ўздин кечиб буткул тонсак тонайлик.
Оташпараст эдик исломдан аввал —
Муҳаббат ўтида ёнсак, ёнайлик.

* * *

Баъзи улуғларга қилмасман ҳавас,
Золимла яшасанг жаннат ҳам қафас.
Ботқоққа етаклар тўғри йўл қолиб —
Кўп дейди салгина олсам ҳам нафас.

* * *

Гоҳо илм халал берди тинч ҳаётимга,
Гоҳ, осмон тор келди саёҳатимга.
Фалакларни забт этдим, гоҳо хаёлан —
Ўзим ҳам ҳайронман лаёқатимга.

* * *

Сени улуғладим, ғазаллар айтдим,
Сенга бағишланди ҳар баҳру байтим.
Асли, бу дунёда вафо йўқ экан —
Кеча эшигингдан мунғайиб қайтдим.

* * *

Азалдан шу йўлдан олға борилган,
Бу тупроқ аслида қонга қорилган.
Муҳаббатни кўрдим кўзи кўкарган —
Ҳақиқатни кўрдим боши ёрилган.

* * *

Янги кийим кийсам ҳеч келмас ечгим,
Жуда кўп дўстларим аслида ҳеч ким.
Сохта зиёфатлар жонимга тегди —
Узлатга чекиниб келади ичгим...

* * *

Отаси номаълум, бу саёқ итлар,
Осмонни мўлжаллаб тинмай вовуллар.
Ҳаром йўллар томон талпиниб турар —
Нопоклик туфайли топилган пуллар.

* * *

Очиғи, нотўғри кўп ишларимиз,
Бевақт тўкилмоқда соғ тишларимиз.
Ерни пайхон қилдик, осмон ҳам зада —
Адашиб кетдику ёз, қишларимиз.

* * *

Ҳар хил уфқларга ботавермагин,
Дуч келган чўққида отавермагин.
Агар офтоб бўлсанг, нурларингни соч —
Кулбангда ёнбошлаб ётавермагин.

* * *

Лабзи ҳалол бўлса, мохов ҳам гўзал,
Тўғри сўз мен учун бамисли газал.
Тўғрини ўғрига айласа муҳтож —
Асли, ишқал экан тақдири азал.

* * *

Сўз ноёб жавоҳир, ожиз баҳолар,
Баъзан туширамиз билмай қадрини.
Пулни пора деса бу турк оғолар —
Қандоқ қилишаркан олди-бердини...

* * *

Бу зотлар иблисга хизматлар қилиб,
Мукофат тилашар яна Оллоҳдан.
Улар бисмиллосиз дунёга келиб —
Асли пайдо бўлган оғир гуноҳдан.

* * *

Баъзида бўлади оч қолган пайтим,
Шу чоғлар тозарар ҳар ёзган байтим.
Ҳаром луқмалардан сақласин Ўзи —
Ҳалол қотган ноним рўзам, ҳайитим.

* * *

Кундузнинг кечадан қанча фарқи бор,
Ҳар қандай ғарбнинг ҳам охир шарқи бор.
Барча рақамни йиғ, сўнг ёқиб юбор —
Кул қолса шу кулнинг анча нархи бор.

* * *

Умр кино эмас асло дўстгинам,
Уни қайта, қайта қўйиб бўлмайди.
Унинг муаллифи Яратган эгам —
Жонга тегса ҳамки тўйиб бўлмайди.

* * *

Ташхис қўйган каби беморга табиб,
Олимларнинг ҳам турфа унвонлари бор.
Бирови душманни дегайдир ҳабиб —
Бошқаси шўр тузни дейди оппоқ қор.

* * *

Гоҳо пиёдадан шоҳлар олур мот,
Асли, танти бўлар зўрман деган зот.
Қовоғингни уюб қўп зулм қилма —
От тепкисини кўтаргайдир от.

* * *

Ёлғон далил айтса, ёвуздир гувоҳ,
Жафо чекмоқ огир, бўлсанг бегуноҳ.
Бошингни бурғулаб тешгандан ёмон —
Бўлса сирларингдан душманинг огоҳ.

* * *

Бу ёлғонваччалар улғайиб қопти,
Хўп башанг кийинган, ўхшайди ростга.
Қошида ҳақиқат мунғайиб қопти —
Осмонга тикилсам ўхшайди пастга.

* * *

Кўнглим! Ҳеч ўкинма олға бошлайман,
Гоҳ, сендан яшириб кўзим ёшлайман.
Мени йиқилди деб қувонса ганим —
Устидан султондек назар ташлайман.

* * *

Қон билан ёзсанг-да, қоғоз-қоғоздир,
Қанча бақирсанг ҳам овоз-овоздир.
Юракдан чиқмаган сўзлар кўп совуқ —
Қайда ўқисанг ҳам номоз-номоздир.

* * *

Йиғларман, бошимда доим абрдир,
Ернинг ости қабр, усти қабрдир.
Олса ҳам шукур дер, берса ҳам шукур —
Банданинг қисмати бардош, сабрдир.

* * *

Шу қишлоқ сойини келади кечгим,
Бу жойда на қўйим, на қолган эчким.
Нотаниш кимсалар куйманиб юрар —
Мени бу ерларда танимас ҳеч ким..

* * *

Бой бўлиш азобин бойлардан сўра,
Ой бўлиш азобин ойлардан сўра.
Миниб чопсам дейди ҳар битга нокас —
Той бўлиш азобин тойлардан сўра.

* * *

Ўзимни йўқотсам, сени топарман,
Сал кўринмай қолсанг йиғлаб чопарман.
Тонг маҳал елкангга қиров қўнипти —
Ўзимни ечарман устинг ёпарман.

* * *

Сендан парҳез тутдим сени демасман,
Ушбу очлигимдан масту-сармастман.
Кўнглим ҳам хотиржам, кўзим ҳам равшан
Тортиб олмасалар, қайтиб бермасман.

* * *

Гоҳо, сиқилади кўкрак қафасим,
Омонат туюлар олган нафасим.
Онаси бағрида бир гўдак ухлар —
Менинг шу болага келди ҳавасим.

* * *

Гоҳо, шамол бўлиб сочинг тарайман,
Агар, сал тикилсанг ерга қарайман.
Кечаю кундузи сени ўйлайман —
Не қилай борим шул, шунга ярайман.

* * *

Тоғбеги бўлмоқ учун тоғсевар тоғлик керак,
Ҳар дарахтга битта боғбон, яна минг чоғлик керак.
Муқаддас бу Ватаннинг тупроғи олтин эрур —
Зарлари сенга бўлсин, бизларга соғлиқ керак.

* * *

Халқ ёзувчиси бўлса ушбу адиблар,
Навоий, Яссавий кимники экан?
Адабиёт гўё яйловга ўхшар —
Гул билан ёнма-ён ўсади тикан.

* * *

Қанча мазлумларнинг кўзин ёшлайди,
Бошини силайди қанча жонзотнинг.
Тинимсиз ўзига қарши ишлайди —
Феъли ғалати., бу одамизотнинг.

* * *

Кит деб мақтангандек лофчилар бот-бот,
Дарёнинг энг майда балиқларини.
Буюк ахлоқ дейди бир чала мулла —
Истеъдод аҳлига қилиқларини.

* * *

Бир дўстим кўп қиммат тошим бор, дейди,
Яна хўп ақлик бошим бор, дейди.
Кун бўйи далада тер тўкди деҳқон —
Кел дейди, бир коса ошим бор, дейди.

* * *

Инсонлар бор, гўё шўр тупроқ,
Хато излар Она ибодатидан.
Улар севиш бахтидан йироқ —
Йироқдир севилиш саодатидан.

* * *

Бошга тушганини кўрдингку кўзим,
Жонимга тилайман Оллоҳдан тўзим.
Ота йўқ, Она йўқ эрка етиммиз —
Ўзимнинг бошимни силайман ўзим.

* * *

Дунё ташвишлари бари омонат,
Улардан кўп зада, толиққан кўкрак.
Руҳингга дахлдор қанча ташвиш бор —
Бир кун барчасини ҳал этар юрак...

* * *

Кўрқоқнинг қиличи занг ичра қолди,
Бу танг дунё яна жанг ичра қолди.
Шеърият тулпори бир силтанди-ю,
Маддоҳ шоирларинг чанг ичра қолди.

* * *

Ҳеч кимса фурсатнинг тутолмас дастин,
Вақт тулпори ана учиб, елмоқда.
Ҳеч ким тош отган йўқ, қарагин дўстим —
Ўзингнинг тошларинг қайтиб келмоқда.

* * *

Такрорлар ҳамма, ҳатто, чол-кампир,
Оққан дарё оқар, хикматдир тирик.
У қайга оқмоқда, сен шундан гапир —
Эски ўзанини топдими шўрлик.

* * *

Кўзларим зулматга ўрганган нурлардан қамашади,
Кўлларим қуллуққа ўрганган таъзимга талашади.
Бошни сал кўтарсам ағёр муштидан ғурра —
Ғанимлардан қутулсам дўстларим савашади.

* * *

Бадавлатни суяр омонат дунё,
Аҳли маддоҳ борки унинг соясида.
Мазлумдан эҳтиёт бўлгин эй, дўстим —
Чунки, у Тангрининг ҳимоясида.

* * *

Икки оралиқда чарчадим, толдим,
Икки оралиқда қийналди жоним.
Бир бирин тан олмас бу икки тараф —
Кимники бўлурсан энди иймоним

* * *

Яшадик бир калом, сўзга талашиб,
Гоҳ қийиқ, гоҳ шаҳло кўзга талашиб.
Тўрт кунлик дунёда уч кун меҳмонмиз —
Умр ўтди бир парча бўзга талашиб.

* * *

Бир кун сени тарк этар юрак,
Вужудингда бир ғариб титроқ.
Ўшал заранг, қўҳна заминга —
Сочилади бир сиқим тупроқ.

* * *

Бунчалар ҳам бағритош бўлма,
Замон турланмагай феълингга қараб.
Бу ёруғ оламда бор топганинг шул —
У қараб турибди сенга жовдираб.

* * *

Ким эртароқ бошласа, тугатгайдир эртароқ,
Кечикканлар ёлборар холаси, аммасига.
Нафсига голибларнинг ошиғи олчи ўртоқ —
Ҳаммасидан воз кечсанг етасан ҳаммасига.

* * *

Билсайдим, қанотим қайрилмоғини,
Сал пастлаб учардим қараб раъйингга.
Аввалроқ билсайдим ёрилмоғини —
Бошимни урардим исқирт пойингга.

* * *

Ҳаёт устахона, кўҳна, ғаройиб,
Ямаб ясқалади бунда имконлар.
Келиб, кетаверар мажруҳи майиб —
Ҳар қуни туғилмас комил инсонлар.

* * *

Бола тек туrolмас, хуштаклар чалар,
Бобонинг кўзида кўҳна замонлар.
Биринчилик учун қураш тушишар —
Ўзаро келишиб олган полвонлар.

* * *

Нега бунча фиғонинг фалак,
Бу гапларинг одобдан эмас...
У ўзини баланд олмади —
Сен ўзингни паст тутдинг холос.

* * *

Оталарни асрай олмадик,
Дилда армон, кўзда жолалар.
Эгов бўлиб дунёга келдик —
Асрармикан бизни болалар.

* * *

Бу ойдин кечалар нақадар гўзал,
Кунни соғинамиз тун келган маҳал.
Билмасмиз биз учун қай бири афзал —
Кечами, бугунми, абадми, азал...

* * *

Кўз эдим, термулиб ёшланган эдим,
Сўз эдим, топталиб ғашланган эдим.
Минг йилки касбим шу отиб, ботаман —
Сен тўхта деганда бошланган эдим.

* * *

Сиз талаффуз этмасдан аввал,
Нақадар пок эди сўзлар мақоми.
Энди меҳр сўзи меҳрга маҳтал —
Дод солиб йиғлайди зулм каломи.

* * *

Дўстларку, ўз йўлига душманга ҳам яхши бўл,
Ҳатто, қийшиқ деворнинг ямоғи бўл, нақши бўл.
Тўғри сўз айтмоқ фарздир ким ўзини таниса —
Майли, номдор шоир бўл, майли фақир бахши бўл.

* * *

Онасиз ўсдик биз, Она меҳрини,
Китоблардан ўқиб, хатлардан ўқиб.
Даҳшатли туш каби ўтди болалик —
Синглимнинг кўзига қарайман қўрқиб.

* * *

Новда барг ёзмаса, кимдир йўнипти,
Юлдуз нур сочмаса, демак сўнипти.
Ногаҳон боғингда хуш бўй таралмиш —
Билки, гул шохига булбул қўнипти.

* * *

Агар гофил бўлса, тубандир инсон,
Улуғлар отасин хўрлаганларни.
Бу лақма болалар мадҳ этар шодон —
Олқишлар онасин зўрлаганларни.

* * *

Юраклар соғ, кўнгиллар тоғ, тишлар бутун, шашпи шундай,
Осмондай кенг, бепоёндир, бу қашшоқлик дашти шундай.
Бойлик дейсиз, зор қақшайсиз, у-чи, мизгир ёнбошлаб
Тугамайди қанча сурсанг камбағаллик гашти шундай.

* * *

Ёшлик ўтди урҳо ур, ҳар кас билан солишиб,
Душманлар ҳам зерикди чарчаб, ҳолдан толишиб.
Тортишмоққа арзирлик бир сабаб ҳам қолмади —
Энди кунлар ўтмоқда ўзим билан олишиб.

* * *

Хушёр эдик, ичиб, мастлашиб кетдик,
Уч-тўрт нокас билан қасдлашиб кетдик.
Тавба қилаётиб гуноҳлар қилдик —
Пастларга тенглашиб, пастлашиб кетдик.

* * *

Юз йилки, бир жойда жилмай турибман,
Дунёнгни назарга илмай турибман.
Эй, ошна сен билан қанча ишим бор —
Ўзим мақсадимни билмай турибман.

* * *

Кўп иймонли зотлар авлиёмонанд,
Юрт учун аямай жонин бердилар.
Умри уйсиз ўтган шоирнинг кеча —
Катта бир шаҳарга номин бердилар.

* * *

Падаркуш қотилни оқлар бир одам,
Ҳақиқатни ёлғон дўлида янчар.
Рост сўзнинг қадрини англар сўнгги дам —
Фарзанди кўксига санчганда ханжар.

* * *

Сутдан қолган сигирга ўхшар,
Ёзмай қўйганида шоир шеърини.
Қари говмишини сўйганди тоғам —
Янгам тузлаётир йиғлаб терини.

* * *

Сув эдим, тоғу тошда сой бўлиб оқдим,
Акс этдим осмонларда, ой бўлиб оқдим.
Сой бўлганим ёлғон, ой бўлганим ёлғон —
Токи сенга етгунча лой бўлиб оқдим.

* * *

Бу дунё аслида бир шўрлик бемор,
Ҳушёр бўл тунларинг ўтса ҳам бедор.
Умр лаҳза бўлса тун унинг ярми —
Яна қолган ярми ўтмасин бекор.

* * *

Анқигаи дуди бир кун ҳар қилиқ, кирдикорнинг,
Қарғиши ёмон бўлгай муҳтожу, хору-зорнинг.
Ишлатиб иш битказинг муродга элтар сизни —
Дуоси олтинга тенг чорасиз мардикорнинг.

* * *

Бул азиз умримизнинг азиз ҳар дамгинаси,
Олтину зар не даркор, етарку камгинаси.
Не ишим бор дунёнинг минг турлик ғавғосига —
Вайрон этар кўнглимни кўзингнинг намгинаси.

* * *

Ким дунёга келиб, қилмаса сафар,
Тош каби тупроққа қолгайдир ботиб.
Саодатга етмоқ мушкул биродар —
Гоҳ узала тушиб, ёнбошлаб ётиб.

* * *

Ўзингни алдама, энг ёмони шу.
Майда ташвишлар ҳам ўтар дўстгинам.
Бу ёлғон дунёда энг оғир синов —
Ёлғон сўзламаслик, севиш чинакам.

* * *

Дилозор найзасин дами кўп ўткир,
Саховат баҳосин ўлчашга тош йўқ.
Сен менинг юзимга боқмагин ҳайрон —
Туну кун ийғалайман, кўзимда ёш йўқ.

* * *

Қай зотнинг дилида ибодати бор,
Ҳар икки дунёда саодати бор.
Улуғ мартабага бўлгай мушарраф —
Унинг ўз офтоби, самовати бор.

* * *

Карам этса, Тангрим ўзи бериб қолар,
Бу мазлумлар кўксин бир кун кериб қолар.
Мангу эрмас бу туманлар бир кун тарқар —
Бу музликлар охир бир кун эриб қолар.

* * *

Гуноҳу савобга ўзимиз гувоҳ,
Озгина муслимиз, озгина гумроҳ.
Гоҳо бода ичиб, сафсата сўқдик —
Жим юриш савобдир, жим ичиш гуноҳ.

* * *

Кўнглимда на губор, шаффоф гардим йўқ,
Ростини сўзласам, тинглар мардим йўқ.
Адашган бандаман зулмат ўрмонда —
Атроф тўла жонзот, сирдош мардум йўқ.

* * *

Ноҳақ таъна, таъқирлардан қўрқаман,
Шеърин силлиқ тўқирлардан қўрқаман .
Қўрқоқ деманг, ўнта эмас умрим ахир —
Кўзи очиқ сўқирлардан қўрқаман .

* * *

Гоҳо, илон карахт кўзларимиздан,
Гоҳо олов музлар сўзларимиздан.
Гоҳ уни, гоҳ буни гуноҳкор деймиз —
Аслида, бор гуноҳ ўзларимиздан.

* * *

Ҳар жойнинг тулкиси овланар ўз тозиси билан,
Фаранглар ҳукм этмас туркманнинг қозиси билан.
Нур кўпайган жойларда соя ҳам қуюқ бўлмай —
Обод эл барбод бўлмас уч-тўрт норозиси билан.

* * *

Беклар мартабасин олгандир мастлар,
Уч-тўрт оғзи шалоқ, насаби пастлар.
Уларнинг амрига итоат этар —
Не, не зоти улуғ, мансаби пастлар.

* * *

Бу нокаслар бизни шилиб, қилди-ку хонавайрон,
Бу кўргулик камдайин, бўл дейди яна вайрон.
Вайрон бўлиб юраги ўтиб кетди падарим —
Болам менга термулар, турибман бўлиб ҳайрон.

* * *

Бу дунёнинг давлати кўринмас ҳеч кўзимга,
Ўзимдан сал кетгандим, яна қайтдим ўзимга.
Ўзимдан ҳам уялиб юрибманку азизим —
Шу тупроқни қизғанма қўл узатма бўзимга.

* * *

Кўзимнинг нури дердим, нури ҳам кетди,
Сўзимнинг дури дердим, дури ҳам кетди.
Муҳаммадсиз Маккадай кўнглимнинг Мадинаси —
Уйимнинг фариштаси, дури ҳам кетди...

* * *

Сахро ўртасидан чўнг сарой қурма,
Йиқилганни тепма, етимни урма.
Қорни оч арслоннинг ёнидан қочгил -
Отлар тепишганда ўртада турма...

* * *

Кимдир кўзга суртар дур деб қировни,
Кимдир жарга судрар кундуз бировни.
Бу дунё аслида зўр маймунхона —
Масхара қилади менгров менгровни.

* * *

Қўлларингга тақ дейсан, ишим йўқ соат билан,
Намоз вақтин билмасман, ҳар лаҳзам тоат билан.
Унга, бунга эргашиб толиқдимку, азизим —
Энди бироз тин олай, бобо қаноат билан.

* * *

Ўн бешида тож кийган Бобир,
Ақл ёшга эмас, бошга қўп доир.
Ўн бешда ҳам яланг бош эдик —
Қирққа кирдик эмасмиз шоир.

* * *

Эл дуоסי ижобат, сенга совут-пўст бўлсин,
Бандасига бош эгма, Ҳақнинг ўзи дўст бўлсин.
Ризо бўлгил берган умр, ҳалол ризқу-рўзига —
Биргаллашиб бутлаймиз, қанча каму-кўст бўлсин.

* * *

Мадорсиз кексага нишаб тоғ эрур,
Саҳройи чўпонга чўп ҳам боғ эрур.
Нафс бандаларин тўйдириб бўлмас —
Иймони покларнинг кўнгли чоғ эрур.

* * *

Дарёга яқин юрсанг, сал тегади салқини,
Оловга яқин турсанг, иситади ёлқини.
Бойларга ишонмагин, олишмагин зўр билан —
Узоқдаги қуйруқдан яхши дерлар яқини.

* * *

Булар оғир касал, дарди бедаво,
Фойдаси йўқ минг қаратган билан.
Бул кун тош отмоқда Расулиллоҳга —
Сўнгра жанг қилмоқчи Яратган билан.

* * *

Эй, азизим! Билармисан, билармисан қайдаман,
Қайда бўлмай барибир доим сенга шайдоман.
Мени унутди деб, оҳ чекма ёри-жоним —
Унутган чоғинг унут, сал эсласанг пайдоман.

* * *

Бу дўст ҳар кун турланиб, ҳар лаҳза, ҳар он ўзгарар,
Қўлладим деру лекин, минг жафолар кўрғазар.
Биз назар солганимиз солмади бизга назар —
Ўзинг қўлла Оллоҳим юз бурса ҳам ўзгалар.

* * *

Навоийни ўқибсан неларнидир олибсан,
Ўтган-кетган гапларни сал, пал шеърга солибсан.
Қофиялар жаранги кўп яхшидир шоирим —
Буюклик тайин эди, салгина кеч қолибсан.

* * *

Иймонимни поклаб ой қилиб бергин,
Нафсимни жиловлаб той қилиб бергин.
Майли кўз ёшларим ичимга оқсин —
Сўнгра юрагимдан жой қилиб бергин.

* * *

Қуш бўлиб яралсам, ҳеч қўнмас эдим,
Тилло тахтларингга ҳеч минмас эдим.
Жиндай тин олардим мағрур тоғларда —
Кўкка талпинардим, ҳеч тинмас эдим.

* * *

Булбулмас, бир шўрлик қирғовулинг бор,
Ош есанг, тепангда баковулинг бор.
Сени қўриқлашнинг ҳеч кераги йўқ —
Ўзингнинг ичингда қаровулинг бор.

* * *

Бировлар кун кўрар қушларни отиб,
Бировлар кун кўрар ўзини сотиб.
Яна бир қавм бор яшайди яйраб —
Камбағал шўрликнинг бурнин қонатиб.

* * *

Ёлғон шудгор бўлса, бу одам мола,
Турган битгани шу, бошларга бало.
Пул берсанг хурни ҳам фоҳиша дейди —
Пул берсанг иблисни дегайдир хола.

* * *

Ётиб олиб ўй сурсанг, нелар келмас хаёлга,
Тушингда уйланасан энг чиройли аёлга.
Ёнбошлаб ётганинда буюк донишманд эдинг —
Туриб жавоб топмайсан боланг берган саволга.

* * *

Ҳофизим қўшиқ айтар бировнинг овози билан,
Шоирим шеър ўқийди қўлда қоғози билан.
Ҳақиқат ахтариб бир кун мачитга борсам —
Мулламиз мақтанди зар жойномози билан.

* * *

Истагим, чанг босмасин беғубор осмонинингни,
Ғам чекма топгайдирсан ул азиз инсонингни.
Ёзавер, энди дўстим шеър ила достонинингни,
Ҳақ ўзи йўл кўрсатар покласанг иймонингни.

* * *

Жуда камбағалмиз, лекин лиммо-лим,
Улуғ туйғуларга қалбимиз тўлуғ.
Дунёда топганим сенсан муҳаббат —
Англаган ҳикматим ўзингсан қутлуғ.

* * *

Бир гала таъмагир, каззобу нодон,
Мансабдор бўлди-ю, эл бўлди хароб.
Халқнинг қарғиши ўқ, кўз ёши уммон —
Бари оқиб кетар, сел бўлар хароб.

* * *

Бир сўзла дунёда уруш бошланиб,
Бир сўзла қирғинга ясалгай якун.
Фикр ёмбисини эҳтиёт этгил —
Аввайлаб ишлатгин сўзнинг шамширин.

* * *

Ёлчитиб ўз элинга бор гапинг айтолмасанг,
Ёлгонингдан воз кечиб, ортга ҳам қайтолмасанг,
Шоирлигинг бир чақа, ҳофизмисан ё, оқин —
Отмисан ёки хўтик ё, қари байталмисан.

* * *

Нени олар бўлса, текин бер дейди,
Заҳмат чекмай дейди, секин бер дейди,
Умрида чумчуққа сув ҳам бермаган —
Экмаган, тикмаган, лекин бер дейди.

* * *

Энг ўткир заҳардир одамнинг сўзи,
Энг оғир назардир одамнинг кўзи.
Ер қазиб қартайган бир олим деди —
Энг ёвуз аждардир одамнинг ўзи.

* * *

Юзта говмиш йиғилиб, битта тана бўлолмас,
Мингта қоғоз фармонинг дўлга пана бўлолмас.
Қасамхўр бўлса ота, туғилмас ростгўй ўғлон —
Азал шундоқ бўлмаган, энди яна бўлолмас.

* * *

Бу халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди,
Кўп ташқи душманлар бўдилар гувоҳ.
Бу халқ гурурига тегиб бўлмайди —
Ички душманлар ҳам бўлсинлар огоҳ!

* * *

Аслида, бу ҳаётнинг мукамал ҳар томони,
Гадой кўпайиб кетди шудир бироз ёмони.
Бир мўътабар даргоҳга боргандим ишим тушиб,
Бошлиқ экан бу жойда бир серсавлат мўлтони.

* * *

Бошинг тошдан дедилар —
Гоҳ, барибир ёряпман...
Боламнинг бўйига термулиб —
Отамнинг ортидан боряпман.

* * *

Кулолнинг кўзаси синар бир куни,
Худонинг бандаси ўлар бир куни.
Ўлик подшоҳ билан тенг эрур гадо —
Охир ёғоч отга минар бир куни.

* * *

Бу одам аслида шаҳарда яшар,
Лекин, юрагида қишлоқнинг дарди.
Тарихларни титинг гувоҳдир башар —
Яхши одамларнинг бўлмаган қадри.

* * *

Тун ила кундузга висол саҳардир,
Туннинг касби зулмат кундуз баҳордир.
Мунофиқ аҳлига иймон бегона —
Улар билан есанг асал заҳардир.

* * *

Энг оғир чоғда ҳам бир паноҳ топдим,
Ғанимлар ичра ҳам хайрихоҳ топдим.
Дедим: — қолдим дўстсиз, беимкон, ғариб,
Шунда ҳам ҳолимдан бир огоҳ топдим.

* * *

Муҳаббат гўзал сеҳргар қоғоздан гуллар ясар,
Хипчабел жанонлардан гумбаздек туллар ясар.
Асли, ҳамсоядир муҳаббат, нафрат —
Бўшанг йигитлардан қасоскор қуллар ясар.

* * *

Ҳаёт сандонида қисмат темирчи,
Тинмай тоблар экан инсон зотини.
Бир дўстим осмонга учмоқчи эди —
Оёғидан тортди суйган хотини.

* * *

Жарга етакловчи равон йўллардан,
Чўққига элтувчи сўқмоқ яхшироқ.
Сохта даҳолару, лўттивозлардан —
Нодон кўлидаги тўқмоқ яхшироқ.

* * *

Ердман, кўкдадир нигоҳим менинг,
Самони тўлдирган гуноҳим менинг.
Қора булутлармас осмонни тўсган —
Уч-тўрт юки енгил ҳамроҳим менинг.

* * *

Ранжиган дўст бўлса қайтиб келади,
Ёки, қайтишингни кутади ойлаб.
Ранжиган дўст бўлса азоб чекади,
Сенинг беандиша тилингни ўйлаб.

* * *

Бу дунё аслида бир кўҳна бозор,
Хўрлик, ҳақоротга кўксимиз мозор.
Тилимни суғуриб олсанг розиман —
Фақат, сен дилимга бермагин озор!

* * *

Офтоб кетса уфқ ортига
Зулмат аста соя ташлайди.
Қачонки, қалб севишдан қолса —
Вужуд аста нурай бошлайди.

* * *

Энг яқин сирдошим сен бўлиб қолдинг,
Пинҳон сирларимдан ягона огоҳ.
Ҳолим не кечарди, не бўлар жоним —
Сен ҳам юз ўгирсанг мenden банагоҳ.

* * *

Кўзимга шувоқлар чинор кўринар,
Лойсувоқ қулбалар минор кўринар.
Киндик қоним томган овулим жаннат,
Янтоқнинг шохида анор кўринар.

* * *

Қаршингда девормас эшик турибди,
Бу ёғоч тахтамас бешик турибди.
Кўксингни пайпаслаб калитингни топ —
Офтоби мўралаб тешик турибди.

* * *

Озод этдим қушни ки, золим одам дастидан,
Қушгинам парвоз этгил, олавер эркин нафас...
Учаркан ул оппоқ булутларнинг устидан —
Тин олиб шўрлик деди: қафасдан чиқдим:-қафас!

* * *

Кўп ёлғон гапирма, бўлди бас, абас,
Бу дунё аслида бир улкан қафас.
Яна бу манзилда тузоқлар кўпдир —
Шерлар ҳам биқиниб олмоқда нафас!

* * *

Қасос қон сурмоғи азалдан аён,
Шу ярим дунёни қилдилар вайрон,
Қани Искандарнинг набиралари —
Чингиз авлодлари кетдилар қаён?!

* * *

Тонгда тур бут бўлғай ризқу-рўз бари,
Сира ечилмади бу ҳикмат сири.
Минг йилдирки деҳқон уйғонар саҳар —
Ҳеч икки бўлмади шўрликнинг бири.

* * *

Дунёда ҳеч нарса эмасдир эски,
Янгилик эмасдир, тўкилса япроқ.
Минг йиллик иморат ер парчин бўлди —
Яратиш ишқида ёнар соз тупроқ.

* * *

Мулла бир одамни сўкар: - арақхўр,
Уялмай ичасан тонг палласида...
Қадр кечасида жон берди майхўр —
Мулламиз ўтдилар қиш чилласида.

* * *

Офтоб қон йиғлатиб кетар кундузни,
Қандай куч порлатар шунча юлдузни?
Бобом саволига топмадим жавоб —
Туз айниса қандоқ сақлаймиз тузни?!

* * *

Бир замон бир юртни хурофот босди,
Ўғриларга ўтди асрий бойликлар.
Сотқинлар мардларни дорларга осди.
Фоҳиша бўлдилар қоши ёйликлар.

* * *

Қарақалпоқ, туркман, ўзбек биродар,
Қирғиз сал сурина, қозоқ бемадор.
Эски чоригини унутмайди мард,
Ботир ўз дўстини қилмас ярадор.

* * *

Бизлар дўстларга қул, ёрга меҳрибон,
Ғар, ғаним мард бўлса, эгамиз бошни.
Эй, қасос ўтида ўртанган инсон —
Секин ерга ташла қўлдаги тошни.

* * *

Яхши одам топсанг тез менга кўрсат,
Манглайдан ўпай ўтмасин фурсат.
Кечаю, кундузи дўст деб йиғлайман,
Кечаларим ҳасрат, кундузим ҳасрат!

* * *

Ўн йил шароб ичдим, ўн йил инградим.,
Арслон ўлигини кўрғазмаган...
Кеча деразадан секин қарадим —
Кўрдим., ҳеч нарса ўзгармаган.

* * *

Хижолатдан терлаб, қизардику юз,
Яна фириб берди бизларга юзсиз.
Йўлбарсдай йигитни охир ўлдирди,
Қўрқувдан титраган бир гала ожиз.

* * *

Дўстларим кўп дейсан бир соғи борми,
Золимга даф айтар ҳол чоғи борми?
Хоинларнинг бунча бошлари баланд,
Илигида илон сарёғи борми?

* * *

Осмонга ўрмала, қирқилса ҳам қанотинг,
Пастни кўзлар бўлсанг, нарвон ёнингдадир.
Бу ғурбат даштида адашган бир сенмас —
Қўрқувдан қутулсанг, сорбон ёнингдадир.

* * *

Офтоб бежиз нурлар таратмагандир,
Бежиз кўкни ерга қаратмагандир.
Барини билгувчи ул Қодир Эгам —
Бизни эрмак учун яратмагандир!

* * *

Эй, дўстим! Дўстларинг бормиди сенинг,
Сезмадинг, узулди дастларим менинг!
Дўсти йўқ кимсалар душманам менинг —
Дўсти кўп инсонлар дўстларим менинг!

* * *

Бизлар неки топсак сал камроқ едик,
Бошқаларга камроқ қолмасин дедик.
Дўстларим нафсига қарам бўлмасин.,
Бизларни қаритди мана шу ҳадик.

* * *

Ортимдан ҳар кимга нелар сўйлайсан,
Эшикни беркитсам, тешик бўйлайсан.
Жаллод бўлсанг номард, нега сўймайсан —
Сен бизни ифвогар ким деб ўйлайсан.

* * *

Боқсангиз ҳар ён дўстлар, бир фозил инсон йўқ,
Бу иймон аҳлинда имкон, имкон аҳлинда иймон йўқ,
Йўл оғир, манзил узоқ, ҳар лаҳза хатарликдир —
Дил оғир, кўпдир тузоқ., омонат жонга омон йўқ.

* * *

Қиш чўзилиб кетди жудаям.,
Баҳорни соғиниб чарчади юрак.
Совуқ урган майса йиғлайди юм-юм,
Бир тоза фаслни қўмсайди кўкрак.

* * *

Қай ишим кўнглинга хуш келмас дилдор,
Келаман дегандинг., келмадингку ёр?!
Тоғларни қучоқлаб ухлар оқ қорлар —
Дарахтлар оҳ чекар., кечикди баҳор.

* * *

Етди кўп роҳат сенга, етмади раҳмат менга.
Ҳаваслар бот-бот сенда, етгани заҳмат менга.
Фанимлар фитнасидан кўп зиён кўрдик эй, ёр —
Гуноҳлар қат-қат сенда., қолгани тухмат менга.

* * *

Сен кутган мўъжиза бир кун рўй берар,
Қаршингда илоҳий тасвир бўй берар,
Ўзидан ўзгадан нажот йўқ бунда —
Сенга жон берганнинг ўзи тўй берар!

* * *

Ватанида тер тўқди., чет элда тўзди.,
Борини отаси бой берган инсон.
Заминда нажот йўқ, қўллагин ўзинг —
Қучоғингни оч эй, сахий осмон.

* * *

Мард киши пок сақлагай ор ила номусни,
Қарғалар игво қилар муниса товусни.
Норизо бўлма шоир оссалар дорга сени —
Ёр жамолига менгзадинг кўҳна фонусни.

* * *

Тун билан кундузнинг орасидаман,
Соғинганг кўзингнинг қорасидаман.
Айбим шул ошиқман., сенчи беҳабар —
Ёши қирқдан ошган норасидаман.

* * *

Ўлимдан кучлироқ имтиҳон йўқдир,
Севгидан кучлироқ зўр тўфон йўқдир,
Мени озод қил деб ўзингга ялин —
Ўзингга ўзингдек меҳрибон йўқдир.

* * *

Ерда ётган кесакка қара.,
Тенгман дейди қоялар билан,
Эй, ўғлон, сен нурга талпин —
Иш тутма ҳеч соялар билан.

* * *

Туманга бош бўлди нафси бузуқ бой,
Ҳар ёнда йўқчилик, ҳар томон дод-вой.
Катта шоҳ кўчанинг шундоқ ёнида —
Садақа сўрайди гадойдан гадой.

* * *

Мардларнинг топгани ҳалол ош бўлсин,
Кимки, ёвуз бўлса тезда фош бўлсин!
Ўз чибиннигни ўзинг қўриб юр —
Ёнингда вафодор қаламқош бўлсин.

* * *

Зарим бўлса газнани очар эдим аямай,
Олтинларни ҳар томон сочар эдим аямай.
Бор бойлигим сарф этиб гўзалларга —
Қолганига олар эдим бир кўза май.

* * *

Гоҳида, ўринсиз говго қилурмиз,
Гуноҳ қилиб сўнгра тавба қилурмиз.
Бир умр авайлаб, боқамиз охир —
Жонимизни гўрга совго қилурмиз.

* * *

Паст бўлса ҳам шу ўз овозимдир,
Яна қўлда қалам, оқ қоғозимдир.
Бу хаста кўнгилнинг ибодати шул —
Юрагим — жойномозимдир...

* * *

Асл мўъжизадир шул бугдойи нон,
Дарҳол ҳазм бўлиб, бўлар қизил қон.
Нафсининг каттаси кимда билмадим —
Эл тўйса ҳамки, тўймас тегирмон.

* * *

Кеча ҳам, кундуз ҳам зулмат ичинда,
Парво қилмас на Ой, на Қамар.
Ой ила Офтобда не айб дўстгинам —
Ўзингда бўлмаса аслида самар.

* * *

Май ерга тўкилди ҳаёт бераҳим,
Қўлимдан тушдию, синди қадаҳим!
Содиқ дўст-ёрларим қайга йўқолди —
Дарёнинг тубига чўкди садафим.

* * *

Келиш, кетиш билан ҳаёт бардавом,
Фарзандлар туғилар, тўқилар баёт.
Тулаган маҳали яна тўлар жом —
Тўхтаган маҳали бошланар ҳаёт!

СЎНГ СЎЗ ЎРНИДА

Поэзия — мусиқа — рангасвир — бу уч омил ўзаро уйғунликда бадий асарни шоир руҳиятида туғилган асл ҳолатга яқинлаштиради. Ижодий изланиш, руҳимизда зухур бўлган ана шу аслиятни бус-бутунича ифодалаш йўлидаги машаққатлардир. Ҳали дунёдаги бирон-бир шоир юрагида кечган туйғуларни тўлалигича қоғозга тушира олган эмас. Қоғозга тўкилганлари эса гўё, тушда кўрганларингнинг узук-юлуқ манзаралари кабидур... Шоир бутун зеҳни-заковатини ишга солиб, ана шу манзара ва ҳолатларга зеб бера бориб, мантиқ салоҳияти ила турфа либослар кийгази, унинг аслиятида мавжуд бўлган мусиқа, рангасвир ҳамда инжа туйғуларни жонлантира бориб, қайта руҳлантирар экан, илгари кўрилмаган, мутлақо янги, моҳиятган фавқуллодда кашфиётлар яратишга уринади... Улар нечоғлик мазмунан ва шаклан турлича бўлмасин, барибир олдин содир бўлган ҳолатларнинг такроридир. Бу дунёда янгилик йўқ, биз такрорларнинг такроримиз! Ана шундай уринишларни бошқа соҳалардан кўра яхшироқ, жозибалироқ уҳдалагани учун поэзиянинг мавқеи доимо юксак бўлган. Санъатнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, поэзияда мўайян амал қилиниши шарт бўлган муҳим қонуниятлар, либосий чекланишлар йўқ. У поёни йўқ поёнсизлик! У инсон руҳиятининг ҳали ўзи англаб етмаган кенгликлари! У-вақт ва масофа, замону маконга бўйсунмайдиган ҳаракат... У-биз англаган, англамаган, англашимиз зарур бўлган, англашимиз таъқиқланган нарсаларнинг ҳаммасидир! Шу сабабли шеърятда биз ненидир қисқартирсак-узайтирган, ненидир инкор этсак — исботлаган, ненидир йўқотсак топган, роҳат қилаётимиз — азобланган, энг тўғри йўлни танладик дея кўнглимиз чоғ бўлиб турганимизда, мутлақо адашиб кетган бўламиз. Поэзия ҳақидаги барча қонун-қоидаларни ўрганиб чиққан маҳалимиз эса шоирлик иқтидори билан видолашган, барча қонунларни инкор этганимиз ва бу бемаъни фаолиятга қўл силтаган пайтимизда эса яна телбавор туйғуларнинг беминнат хизматкорига айланган бўламиз...

2000 йил..

МУНДАРИЖА

Умид.....	3
Ватан севмоқ ибодатдир.....	4
Ҳали келар офтоб келар зар сочин ёйиб.....	5
Мажнун Лайлисига етаолмади.....	6
Хануз.....	6
Сен бу дунёнинг, шарбати.....	7
Дарахлар неча бор баргини тўкди.....	8
Ёлғизман.....	9
Қор ёғса ҳам негадир иссиқ.....	10
Яшасанг –севиб, севилиб.....	11
Сафар бордир.....	12
Энг тоза қўйлагинг эгнингда.....	13
Қўнглим.....	14
Ёмғир.....	15
Тонг қуш.....	16
Ўзга юртда нотаниш қиз.....	17
Ташриф шундай бўлди қутилмаганда.....	18
Бир эркин қўшиқлар қўйламоқ истар.....	19
Баҳор.....	20
Чўлпонга иқтибос.....	21
Ёдингдаму.....	22
Қушлар тарк этибди бизнинг боғларни.....	23
Кўрдимки дунёда қонунлар кўпдир.....	24
Тилсим.....	25
У энди ҳеч қачон қайтиб келмайди.....	26
Эслаш.....	27
Мерос.....	75
Илк севги армонлари.....	28
Кўз ёш тўқдинг хўрсиндинг.....	29
Мени ўз қошига чорламас биров.....	30
Тун бўйи шивалаб ёғди.....	30
Тонг қушлари келиб кетдилар.....	31
Кеча келган эдим, бугун ҳам келдим.....	31
Хол.....	32
Бу дунёда учрашмадик биз.....	33
Дўст бўлсанг.....	34
Ой дала.....	35
Ҳофиз.....	36
Аёлни ардоқла.....	37
Асранг.....	38

Ватан.....	39
Пули йўқ одам ҳақида кўшиқ.....	40
Сенга не бўлди.....	41
Бу дунё ёлғон.....	42
Аросат.....	43
Бу ҳам замоннинг қаттол ўйинида.....	43
Севдим деган сўз.....	44
Омонат.....	45
Туркманнинг.....	46
Нилуфар.....	47
Ўнга укам бору., лекин ёлғизман.....	48
Ҳаёт бир илмдир боши йўқ, охири йўқ.....	49
Ҳақиқат.....	50
Сенинг кўзларингни жуда соғиндим.....	51
Юрагимга.....	52
Ташаккур.....	53
Пиёдадан чиққан фарзин ҳақида кўшиқ.....	54
Туш.....	55
Дарё.....	56
Сергей Есенин.....	58
Она дегандим.....	59
Муборак.....	60
Қайларда эдинг.....	61
Қуш, овчи ва ит ҳақида баллада.....	61
Шоирнинг машуқаларига.....	62
Ўғит.....	64
Полвон.....	66
Зикр.....	67
Умр.....	68
Сиз ўшаму.....	69
Ики чашми эгиз офтоб.....	70
Фазолардан.....	71
Айлангайдур.....	72
Баҳс айламанг Мажнун билан.....	73
Хабар бордир.....	74
Фарғонани.....	75
Рауф Парфи ЎзТурк.....	75
Ёдингдаму, сангдиллар қонимга қонган кеча.....	76
Бу дунё сенга кенг, менга жуда тор.....	77
Кел, дедим қон йиғладим.....	78
Бул гўзал чеҳрага боқ.....	79
Лоладанда ол яноқ.....	80
Сирли олам.....	81

Қачонгача.....	81
Кўзлари кундан ёруғ.....	82
Кел кулбамга, кел эй дўст.....	83
Кетдилар қайтмас бўлиб.....	83
Шарга.....	84
Адашганман.....	86
Аста-аста.....	88
Раммол қиз.....	89
Ватаним.....	90
Сен мени эркала.....	91
Муҳаммад Юсуф.....	92
Булоқ сувин келтирди кеча.....	93
Қисмат.....	93
Шоҳ Усмон манзаралари.....	94
Самарқанд.....	96
Таниш ҳасратлар.....	98
Сезмайсан.....	99
Ҳумоюн билан қишлоққа сафар.....	100
Ҳуқуқшунос дўстимга.....	101
Тарадуд.....	102
Тўхтанг.....	103
Ота.....	104
Маънавиятчиларга.....	106
Олмалар.....	108
Беҳаё илон.....	109
Илтижо.....	110
Кўҳна ўғитлар.....	111
Соғинч.....	112
Азиз.....	113
Деҳқонбобонинг арзи.....	114
Келганда фасли қаҳратон.....	115
Тилак.....	115
Шухратпарастга.....	116
Ҳудо таъқиқлаган ишлар.....	117
Сирлар.....	118
Эркин.....	119
Омадсиз.....	120
Ҳамқишлоқларимга.....	121
Ҳеч кимнинг боласи ўлмасин.....	122
Ўткинчи дер эди дунёни отам.....	122
ТЎРТЛИКЛАР.....	123
СЎНГ СЎЗ ЎРНИДА.....	156

ҲАМРОҚУЛ АСҚАР

ДАРЁ

ШЕЪРЛАР, ҚЎШИҚЛАР,
ТЎРТЛИКЛАР

Муҳаррир *Ш.Қурбон*
Бадиий муҳаррир *А.Турсунов*
Техник муҳаррир *Т.Смирнова*
Саҳифаловчи *Б.Ирисбоев*

Босишга рухсат этилди 21.11.2006. Бичими 60x84¹/₁₆.
Ҳажми 2,75 б.т. Нусхаси 500.
Шартнома 106/3 Буюртма № 187

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
100033, Тошкент шаҳри, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33.